

Барча жиноятлар ҳам тараққиётнинг душманларидир. Аммо улар орасида тараққиётни бутунигича тўсиб қўйишга уринадигани бу коррупция ва иқтисодий жиноятлардир. Порахўрлик авж олган муҳитда юксалиш ҳақида орзу қилишга ҳам имкон қолмайди.

3 бет

"Банкдан кредит олишим керак эди, ана шу мақсадда автомашинани гаровга қўймоқчи бўлдим. Банкдан олаётган кредитим миқдори машинанинг баҳосига боғлиқ бўлгани сабабли "Консалтинг-баҳолаш" МЧЖга мурожаат қилдим..."

10 бет

Mustaqillik huquq demakdir

НУҚУШ

1997-йил 27-avgustdan chiqa boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2011-йил 15-sentabr, №37 (766)



Ҳамкорлик йўлида

Б.ЖОНИКУЛОВ,
Бош прокуратура
бўлим бошлиғи



2011 йил 12 сентябрь кунин Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р.Ҳ.Қолиров Озарбайжон Ички ишлар вазирин Р.Усубов бошчилигидаги вазирлик делегациясини Ўзбекистонга ташрифи доирасида қабул қилди.

Қабулда Озарбайжон ИИБ жамоат хавфсизлиги ва гиёҳвандликка қарши кураш Бош бошқармалари раҳбарлари ҳамда Озарбайжон Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси жаноб Намик Аббасовлар қатнашди.

Музокара давомида Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги ҳамкорлик узлуксиз ривожланиб бораётганлиги қайд этилди.

Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевнинг Ўзбекистон Республикасига 2010 йил сентябрь ойида қилган расмий ташрифи давомида ҳуқуқий ҳамкорликнинг нор-

матив базасини кенгайтиришга қаратилган бир қатор икки томонлама ҳужжатлар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Озарбайжон Республикаси Бош прокуратураси ўртасидаги ҳамкорлик ва ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги Битим имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси делегациясининг жорий йилнинг май ойидаги Боку шаҳрига ҳамда Озарбайжон Республикаси ИИБ делегациясининг бугунги ташрифлари мазкур жараённинг мантикий давоми бўлди. Бу ўз навбатида ваколатли органлар-

нинг икки томонлама ҳамкорлигини янада ривожлантиришга бўлган манфаатдорлигидан далолат беради.

Учрашув қатнашчилари уюшган жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ўзаро ҳамкорлиги борасида ахборот ва тажриба алмашди.

Учрашув якунида ҳар иккала томон ҳамжиҳатлик ва ўзаро манфаатлар асосида икки томонлама ҳамкорлигини янада ривожлантиришга янгича туртки берган музокарадан қаноатланганлигини қайд этиб ўтди.

Қабул хайрихоҳлик ва дўстона руҳда ўтди.

Меҳмонлар Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан кўрсатилган самимий қабул учун миннатдорчилик билдиришди.

Ривожланиш ва шаклланиш сари

Жорий йилнинг 9-10 сентябрь кунлари "Ўзэксспомарказ"да Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастури тўғрисидаги ва мазкур Дастурга оид қабул қилинган Фармон ва қарорлар ҳамда 2011 йилда Солиқ қонунчилигига киритилган ўзгартриш ва қўшимчалар моҳиятини солиқ тўловчиларга етказиш учун ташкил этилган икки қисман иборат кўргазмали семинар бўлиб ўтди. Тадбирда Республика Бош прокуратураси, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий Банк, Молия вазирлигининг мутасадди ходимлари, давлат ва нодавлат ОАВ вакиллари ҳамда тадбиркорлар иштирок этишди.

Кўргазмали семинарда "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастури доирасида мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларига қўлай шарт-шароит яратиш, тадбиркорликка оид қонунчиликни такомиллаштириш, бюрократик тўсиқларни олиб ташлаш, давлат ва назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари молия-ҳўжалик фаолиятига аралашувини кескин қисқартириш юзасидан қабул қилинган бир қатор янги нормалар, тадбиркорлик фаолияти учун қўшимча тарзда яратилган навбатдаги имтиёз ва преференциялар

мазмун-моҳиятидан қорхона ва ташкилотлар раҳбарлари, бош ҳисобчилари ҳамда кенг жамоатчиликни доимий хабардор қилиб боришни йўлга қўйиш масалалари талқин этилди. Шу билан бирга, мустақиллигимизнинг 20 йиллиги арафасида Президентимизнинг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлигини янада ривожлантириш учун қўлай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги Фармони тадбиркорликка янада кўпроқ эркинлик бериш ва уни ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакат иқтисодиётидаги роли ва улушини ошириш, экспорт салоҳиятини ривожлантириш, аҳоли бандлиги ва даромадларини таъминлаш мақсадида қабул қилинган анжуман иштирокчилари томонидан алоҳида эътироф этилди.

Анжуман иштирокчиларига видеотасмада солиқ соҳасига киритилган янгиланиш намоиш қилиниб, солиқ идоралари ходимлари томонидан тадбиркорларга ахборот-маслаҳат хизматлари, турли информациялар тарқатма материаллар ва тегишли қўланмалар тақдим қилинди.

Тадбир сўнггида кўргазмали семинарга тақлиф қилинган Тошкент шаҳрида фаолият юртувчи кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари вакиллари саволларига мутасадди ходимлар томонидан батафсил жавоблар берилди.

Гули ХОЖИБОЕВА,
«Нуқуш»

Жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза этиш, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ҳуқуқни муҳофаза қилиш ишларларининг асосий вазифаларидандир. Айниқса, бу борала прокуратура органларининг ўрни ва роли алоҳида аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан Наманган туман прокуратурасида ҳам қонунийлик ва қонун устуворлигини таъминлаш, давлат ва жамият, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларга қарши курашиш борасида муайян чора-тадбирлар йўлга қўйилган.

Фуқароларга елкадош

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2004 йил 24 июндаги "Прокуратура органларининг қонунчилик тарғиботи ва қонун ижодкорлиги фаолиятида иштирок этиш борасидаги вазифалар тўғрисида" ги 29-сонли ҳамда 2006 йил 25 январдаги 52-сонли буйруғи билан тасдиқланган "Прокуратура органларида қонунларни муҳасамлаш ишларини юритиш тартиби ҳақидаги Йўриқнома" талабларидан келиб чиқиб, бир қатор ишлар амалга оширилди.

Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ва аҳолининг ҳуқуқий онгини ошириш, фуқароларни қонунга ҳурмат ва қонун устуворлигига ишонч руҳида тарбиялаш, туман аҳолисига мамлакатда амалга оширилаётган ҳуқуқий ислохотларни етказиш ҳамда жиноятчиликка қарши курашиш ишларини ташкил этиш ҳамда қонунчиликни тарғиб қилишда ўзига хос услуб билан фаолият олиб боришмоқда.

Мазкур соҳаларга прокуратура фаолиятининг асосий йўналиши сифатида эътибор қаратилиб, жорий йилнинг июль ойида туман прокуратураси биносида "Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш ишларини ташкиллаштириш Маркази" ташкил этилди. Марказда тарғибот тадбирларини такомиллаштириш кенг жамоатчиликни прокурор назоратининг асосий йўналишларида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида доимий равишда хабардор этиб туришга ва бу билан соҳа фаолиятида ошқораликни таъминлашга эришилмоқда.

Ҳуқуқий тарғиботни кучайтиришга қаратилган давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказилиб, уларда фуқароларни қизиқтирган масалалар билан бирга, уларни қийнаётган муаммолар ўрганилмоқда. Жумладан, шу йилнинг 5-7 август кунлари марказда "Тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилишдаги долзарб вазифалар", "Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия ва прокуратура ҳамкорлигида ҳуқуқбузар вояга етмаганлар билан учрашув", "Коллектив битирувчиларини ишга жойлаштириш, битирувчилар муаммосини ҳал этиш масалалари", "Одам савдосидан жабрланганлар ва янаша жойини узоқ муддатга тарқ этган оилалар вакиллари билан учрашув" каби мавзуларда тадбирлар ташкил этилди.

Ёшлар — эртанги эгалари. Уларни ҳар томонлама баркамол авлод этиб тарбиялаш ҳар биримизнинг бурчимиз. Шу маънода, туман прокуратураси, туман ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия ҳамкорлигида жойларда тарғибот-ташвиқот тадбирлари, вояга етмаганларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун турли мусобақалар, учрашувлар ўтказилмоқда. Олиб борилаётган профилактика ишлари натижа-сида туманда вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3 тага, ўз жониға қасд ва суиқасд қилиш ҳолатлари 5 тага қамайишга эришилди.

Шунингдек, тумандаги касб-хўнар коллежларини 2010-2011 ўқув йилида битираётган ёшларни ишга жойлаштириш, умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини академик лицей ва ўрта махсус таълим йўналишларига қамраб олиш юзасидан қатъий прокурор назорати ўрнатилган. 2010-2011 ўқув йилида тумандаги 8 та касб-хўнар коллежини жами 3269 нафар талаба таъминлаган бўлиб, уларнинг 1546 нафарини қиз болалар ташкил этади.

/Давоми 5-бетда/

Обуна — 2012

Ҳурматли юрдошлар!

2012 йилда ҳам "НУҚУШ" газетаси Сизнинг энг яқин ҳамкорингиз бўлиб қолади. Газетамизга барча почта бўлимларида обуна бўлишингиз мумкин.

ОБУНА БЎЛИШГА КЕЧ ҚОЛМАН!
НАШР ИНДЕКСИ — 231

Туробжон Аббосов Самарқанд тумани Агросаноат касб-хунара коллежида 2005 йилда директор вазифасига тайинланди. Ишнинг баланд-пастини ўрганиб олгач, ўринбосарлари билан келишиб, анча-мунча ноқонуний мўмай пул топаётганди.

Таълимга хиёнат кечирилмайди

Собиржон ТЕМИРОВ,

Самарқанд вилоят прокуратураси АМИБ терговчиси

Шоди Ходиев ўғлини шу коллежга ўқишга киритиш мақсадида М.Худойкуловга учрашди. Хужжатлар билан танишган ўринбосар маслаҳат солди: — Ўқилганининг ёши катта экан, яна уч йил кўтиб юрасизми? 400 доллар берсангиз, бизда тайёр диплом бор. — Қандай бўларкан? — иккиланди Шоди Ходиев. — Ташвишланманг, ҳаммаси яхши бўлади. Фақат сиз айтилган пулни олиб келсангиз бўлди.

Ўринбосар ҳузуридан чиққан ота ўйлай-ўйлай боши қотди. Сўнг ноқонуний иш бўлаётгани ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилди.

М.Худойкулов эса қараб ўтирмади. Зудлик билан ҳўжалик ишлари бўйича ўринбосар Самад Ҳалимов ва битирувчи курслар бўйича бўлим бошлиғи Мусурмон Розиев билан келишиб олди. Вилоят ўрта махсус касб-хунара бошқармаси томонидан Фарангиз Ибрагимова номига қайд этилган, аммо унга берилмаган дипломга Ходи Шодиевнинг ўғли Элшод Шодиев "Қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш" йўналиши бўйича тамомлаганини ҳақида сохта ёзувлар киритди. Орандан бир неча кун ўтиб, директор ўринбосари дипломи 400 АҚШ доллари эвазига бераётганда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан қўлга олинди.

Шундан сўнг бу каби ноқонуний ишлар коллежда йиллар давомида содир этилгани фош бўлди. Бу ишларга коллеж директори Туробжон Аббосовнинг ўзи бош-қош бўлган. Тергов жараёнида маълум бўлишича, 2008-2009 ўқув йилида 301-312-гуруҳлар битирувчи қўлчиларни ҳақиқатда дарсга қатнашмаган бўлса-да, гуруҳ журналларида уларнинг билимлари баҳолаб келинган. Машғулотларда иштирок этганини қайд қилишган. Якуний имтиҳонларни ҳам топширди қабилада сохта ҳужжатлар тузишган. Ўқитувчиларнинг имзосини қалбақлаштириб, ҳўжатларни керакли жойларга тақдим этишган. Шунингдек, 2009 йилнинг июль ойида битирувчиларга диплом тарқатишда коллежда машғулотларга умуман қатнашмаган 62 нафар битирувчига диплом берилиши лозим, деб топилган. Уларнинг диплом олганлиги ҳақида эса сохта ҳўжат тайёрлашган. Бу ҳўжат эса бошқармага тақдим этилган. Ваҳоланки, дипломлар эгалари қўлга етиб бормаган. Бу билан Т.Аббосов давлат таълим стандартларини қўпол равишда бузиб, давлат манфаатларига жиддий зиён етказган.

Бундан ташқари, директор 2010 йилнинг май-июнь ойларида ўринбосарлари билан бирга яна ўтган йилги каби 301-312-гуруҳлар билан шахсан "ишлаб бўлмошган". Журналлардаги қайдларни тўлдириб, ўқитувчиларнинг имзосини сохталаштирган. Бу сафар коллежга келтирилган дипломларнинг 148 тасини яшириб қолган. Дипломлар барча битирувчиларга тарқатилганлиги, ортиқча ва бузилган дипломлар мавжуд эмаслиги ҳақида сохта далалатнома тузишган.

Энди директорнинг қўлида қолган дипломлар тақдири билан қизиқаётган бўлсангиз керак. Улар "сохта" эгалари қўлга секин-аста етиб борган. Икки йил давомида директор ва унинг ўринбосарлари ҳаммаси бўлиб 210 донга диплом бланкаларини коллежда умуман ўқимаган шахслар номига моддий манфаатдорлик эвазига расмийлаштириб беришган. Оқибатда 210 нафар йигит-қизлар қалбаки диплом эгаси бўлишган. Ҳатто қалбаки диплом олганларнинг айримлари ишга ва ўқишга жойлашишга ҳам улгурган экан.

Шу ўринда баъзи сохта диплом эгалари ҳақида тўхталиб ўтсак. 2010 йилнинг июль ойида Илхом Жабборов турмуш ўртоғи Хилола Якубовага ўринбосар О.Эргашевдан 600 АҚШ доллари эвазига диплом сотиб олади. Бу диплом аслида Фаёз Раҳимов номига қайд этилган эди. Бироқ у Хилола Якубовага насиб этди. Дипломда Хилола Якубованинг 2007-2010 йилларда "Енгил саноат махсуслотлари технологияси" йўналиши бўйича битирганилиги кўрсатилган.

Шу тахлит дипломлар сотила бошланди. Хусусан, Шоҳрух Шарофовага 300 АҚШ доллари, Гулмира Хусеновага 650 АҚШ доллари, Насиба Абдурахмоновага 120 минг сўм, Асатилла Сапаровага 300 минг сўм, Хушнуд Мусаевага 200 АҚШ доллари, Раъшан Мамировага 600 минг сўм, Фуқрат Турсункуловага 300 минг сўм, Шахриёр Баротовага 150 АҚШ доллари, Нози́ма Ҳамроқуловага 200 АҚШ доллари эвазига диплом насиб этди. Бу каби неча ўнлаб кишилар дипломим бор, деб юрганди, эндиликда бу дипломларнинг бари тегишли тартибда йигиб олинди, яроқсиз деб топилди.

Халқимизда: "Ойни этак билан ёпиб бўлмайди", деган гап бор. Туробжон Аббосов ва унинг ҳамтовоқлари кирди-қорлари очилиб қолди. Йўқса, улар яна қанчадан-қанча фуқароларни сохта дипломи қилишга улгурган бўларди.

Жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят судида бу қин-ғир йўлдаги қимсаларнинг фаолиятига чек қўйилиб, ҳўкм ўқилди. Энди уюшган гуруҳ ўз қилмишлари учун керакли жазони ўташлари шўбҳасиз. Зеро, таълимга хиёнат келажак қилинган хиёнатдир.

Эзгу режалар ижобати

Мустақил мамлакатимизнинг 20 йиллик тарққиётига назар ташлар эканмиз, шўбҳасиз, бу муаллаа юртимизнинг ҳар бир бурчагига барча соҳада беқисс ўзгаришлар юз берганлигига гувоҳ бўламиз.

Халқ ҳўжалигидаги ривожланиш, жамиятиги тарққиёт замирида элимиз фаровонлиги ва осоишталиги, шаҳар ва қишлоқларимиз ободлиги мужассам, албатта. Эришган ютуқларимиз мамлакатимизда барпо этилаётган муқташам мактаб, лицей ва коллежлар, замонавий табиёт муассасалари, чекка қишлоқларда ҳам салобатли тарзда қурилаётган спорт иншоотлари, кенг ва раvon йўлларда намоён бўлмоқда. Бу каби салмоқли ишлар Андижон вилоятидаги Пахтаобод туманида ҳам олиб борилмоқда.

Туман прокуратураси барча соҳаларда қонунийлиқни, "Кичик бизнес ва хўсусий тадбиркорлик йили" Давлат дастурининг ижросини таъминлаш, тадбиркорларни, фермер ҳўжалиklarини қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш ва кенгайтириш борасидаги тўсиқларни бартараф этишда фаол иш олиб бормоқда. Шунингдек, кичик ва ўрта бизнес ҳамда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини янада ривожлантириш, уларнинг муаммоларини ҳал этиш ва етарли шарт-шароитлар яратиб беришда ҳўқуқий маслаҳат ва амалий ёрдамлар кўрсатиш учун доимий ўрашувлар ташкил этилмоқда.

Прократура ходимлари аралашуви билан "Баҳодиржон Роззоқов" фермер ҳўжалигининг "Пахтаобод Ризк" МЧЖга топширган 500 минг сўмлик гўшт махсуслотлари, "Зулфия бону Ўқтамжон" фермер ҳўжалигининг туман пилла давлат қорхонасига топширган пилла учун 2 млн. сўм ҳақлари ўндириб берилди.

— Президентимиз раҳнамолигида мазкур йилда тадбиркорлар учун имкониятлар эшиги очилди. Қишлоқ аҳолисини гўшт махсуслотлари билан таъминлаш мақсадида қорвачилик билан шуғулланмоқчи эдим, — дейди "Мамрижон Хосилов" фермер ҳўжалиғи раҳбари Анавар Мамадалиев. — Иш бошлашим учун туман прокуратураси ходимлари банкдан 24 млн. сўм кредит олишимда яқиндан ёрдам беришди. Бунинг учун мен улардан миннатдорман.

Туманда охирига пайтда 2094 та кичик бизнес субъектлари мавжуд бўлиб, фаолият кўрсатаётганларнинг улуши 98,8 фоизни ва улар томони-

дан ишлаб чиқарилган махсуслотлар ва хизматлардан тушган тушум ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 140,8 фоизни ташкил этди.

Мамлакатимиз иқтисодиёти, хўсусан, қишлоқ ҳўжалигининг барча жабҳаларида қўлга киритилаётган ютуқлар босқичма-босқич амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар махсуслидир.

Қишлоқ ҳўжалигида янги махсуслот ҳажми ўтган йилгига нисбатан 128,9 млрд. сўмга кўпроқ, яъни 109,2 фоизга бажарилди. Ўшбу ҳудудда 755 та фермер ҳўжалиklари фаолият кўрсатиб, битта фермер учун ажратилган ўртача ер майдони 22,5 га ни ташкил этмоқда. Фермерлар томонидан етиштирилган дон, пахта махсуслотлари 2009 йилгига нисбатан 114 фоизга ошди. Айниқса, ўшбу йилда туман ахли галлачилик бўйича яхши натижаларга эришди.

Меҳнат махсуслидан қувонган пахтабодликлар эндиликда пахтачилик борасида бундан-да яхши натижаларга эришиш учун тинмай меҳнат қилмоқда. Туманда пахта майдони 6918 гектарни ташкил этиб, ҳосилдорлиқни ошириш борасида 34 398 гектар ер майдони беш маротаба култивация қилинди.

Вилоятимиз миқёсида олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишлари Пахтаобод туманида ҳам ўз аксини топмоқда. Жумладан, иқтисослашган мактаб-интернати, битта умумтаълим мактаби, тўртта кўп қаватли уйлар қайта таъмирдан чиқарилди. 47,8 минг кв. метр уй-жой, 8,9 км. табиий газ тармоқлари, 6,9 км. ичимлик суви тармоқлари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Эртаимиз эгалари бўлиш ишларининг соғлом ва билимдон бўлиб ўлгайишлари учун барча шароитлар яратилмоқда. Туман прокуратураси боғча етмаганларнинг бўш вақтларидан умумий фойдаланишлари, улар орасида жиноятчилик ва ҳўқуқбузарликларнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бинобарин, 2 та стадион, 3 та сузиш ҳавзаси, 17 та отиш тири, 5 та болалар ва ёшлар спорт мактаби, 315 та секция ва 212 та бошқа спорт иншоотларида аҳолининг спорт ва жисмоний тарбия билан шуғулланишларига шароит яратиб берилди.

Долзарб вазифалардан бири

Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларида қабул қилинган қонун ва қонуности норматив ҳўжатлари орасида халқ ҳўжалигининг иқтисодий сектори ҳамда хўсусий мулкчиликка онда ҳўжатлар асосий ўрин эгаллашди. Давлатимиз раҳбарияти томонидан мустақиллиқнинг илк қўнлариданоқ мамлакатда хўсусий мулкка кенг йўл очиб берилди.

Республика Конституциясида бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этиши, хўсусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясида эканлиги, мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳўлларда ва тартибдагина мулкдан маҳрум этилиши белгиланган.

Ўзбекистонда демократик давлат қуриш йўлида кейинги йилларда олиб борилган суд-ҳўқуқ ислохотлари билан биргаликда, иқтисодиёт ва хўсусий сектор фаолиятини тартибга солиш бўйича ҳам ҳўқуқий база яратилди.

Хўсусий сектор ривожланиши таъминлаш, тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлаш юзасидан бир қанча амалий тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, солиқ юқини қамайтириш борасида ҳам изчил сиёсат олиб борилмоқда.

Бундан ташқари, тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилиш, улар фаолиятига ноқонуний аралашшининг олдини олиш, кичик ва ўрта бизнесни кредитлаш тизимини яхшилаш, текширишлар даврийлигини мувофиқлаштириш каби масалалар юзасидан ҳам Президент Фармонлари чиқарилди.

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов томонидан 2011 йилнинг "Кичик бизнес ва хўсусий

тадбиркорлик йили" деб эълон қилиниши ҳамда шу муносабат билан қабул қилинган Давлат дастури бу соҳа ривожланиши учун янада кенг имкониятлар яратди. Натижада, бу қўрилган муҳим чора-тадбирлар тадбиркорлик фаолиятининг янада ривожланишига сезиларли таъсир қўрсатди. Мамлакатимиз ривож учун ўз ҳиссасини қўшади-ган, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида илғор давлатлар андозалари асосида меҳнат қиладиган тадбиркорлар кўпайди. Улар амалга ошираётган фаолият натижасида ўз меҳнатларининг махсуслини ҳам қўлга киритдилар, халқ ҳўжалиғи ривожланишига, шу билан биргаликда, солиқлар орқали давлат бюджетини оширишга ўз ҳиссасини ҳам қўшиб келмоқдалар.

Хўсусан, Навоий вилояти бўйича мавжуд 15 700 та ҳўжалик субъектининг 14 163 тасини кичик бизнес соҳасида фаолият юритаётганлар ташкил этади. Жорий йилнинг биринчи чорагида ўшбу соҳа томонидан яратилган янги махсуслот виллоят янги махсуслотининг 21,9 фоизини ташкил қилди.

Бош прокуратура ҳузуридagi СВОЖДЛКК Департаменти-нинг Навоий вилоят бошқармаси томонидан ҳам "Кичик бизнес ва хўсусий тадбиркорлик йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳўлда, кичик бизнеснинг ри-

Муроджон ИБРАГИМОВ,
Пахтаобод туман прокурори
Наргиза ХОЛМИРЗАЕВА,
журналист

Шавак ДОВИДОВ,
СВОЖДЛКК Департаментининг
Навоий вилоят бошқармаси
бўлим бошлиғи

вожланишига тўсиқ бўлаётган ҳўлатларни аниқлаш, давлат рўйхатидан ўтказиш, кредитлар ажратиш, пул маблағларини ўтказиш, солиқларни ўндириш ва бошқа тадбиркорлиқни амалга ошириш билан боғлиқ фаолиятларни амалга оширишда давлат ва назорат қилувчи органлар ходимлари томонидан содир этилаётган суи-истеъмолчиликларни аниқлаш юзасидан кенг қамровли тезкор-қидирув ва тахлилий тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жорий йилнинг ўтган 5 ойи давомида бошқармаимиз томонидан бу борада олиб борилган тезкор тадбирлар давомида давлат ва назорат қилувчи органлар ходимлари томонидан тадбиркорлик фаолиятига турли йўллар билан тўсиқ бўлиш, қўрсатилиши лозим бўлган хизматлар учун ноқонуний равишда ҳақ талаб қилиш ҳўллари бўйича 5 та ҳўлат аниқланиб, ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят ишлари қўзғатилди.

Кичик бизнес ва хўсусий тадбиркорлиқнинг ривожланиши давлат иқтисодиёти ва халқ фаровонлигининг ўсишига ижобий таъсир қилар экан, ўшбу соҳа ривожланишига ҳиссамасини қўлиш, тадбиркорликка тўсиқ бўлаётган ҳар қандай говларни олиб ташлаш ҳар биримизнинг вазифамиздир.

Юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти ва эл фаровонлиги йўлида

Маълумки, Ўзбекистон 1991 йили ўз мустақиллигини қўлга киритганидан сўнг умрини ўтаб бўлган мустақил, маъмурий-бўйруқбозлик, режали-тақсимот тизимини воз кечиб, "Ўзбек модели" деб ном олган ўз тараққиёт йўлини танаб олди.

Маъмурам Юртбошимиз Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган ва бугунги кунда ҳаёtgа татбиқ этилаётган "Ўзбек модели" асосида давлат қурилиши ва конституциявий тузумини тубдан ўзгартириш ва янгиллаш, иқтисодиётни мафкурадан холи этиш, унинг сиёсатдан устунлигини таъминлаш, давлатнинг бош ислохотчи вази фасини бажариши, яъни ислохотлар ташаббускори бўлиши ва уларни мувофиқлаштириб бориши, қонун устуворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, ислохотларни босқичма-босқич ва изчил олиб бориш тамойилларига асосланиб, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотлар амалга оширилмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, йигирма йиллик мустақил тараққиётимиз мобайнида Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 3,5 баробарни, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 2,5 баробарни, аҳолининг реал даромадлари 3,8 баробарни ташкил этгани, яъни, асосий ижтимоий-гуманитар соҳада эришилган марралар — аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш учун йўналишланган давлат харажатлари-

нинг 5 баробар кўпайгани, турмуш даражасининг сезиларли равишда яхшиланиши ва бунинг натижасида одамларнинг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 73 ёшга ташкил этаётгани эътиборга лойиқдир.

2008-2010 йилларда, яъни дунёнинг аксарият мамлакатларида иқтисодий ўсиш суръатлари сезиларли равишда тушиб кетган, ишлаб чиқариш пасайган бир вақтда мамлакатимиз иқтисодиётининг юқори барқарор ўсиш суръатлари ва макроиқтисодий мутаносиблиги сақланиб қолаётганини бугун жаҳон тан олмақда. Шунинг натижасида, юртимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 2008 йилда 9 фоиз, 2009 йилда 8,1 фоиз, 2010 йилда 8,5 фоиз ва 2011 йилнинг биринчи ярим йиллигида эса 8 фоизни ташкил этди. Жаҳон молия институтларининг ҳулосасига қўра, бу дунёдаги энг юқори кўрсаткичлардан бири экани қайд этилмоқда. Кейинги ўн йилда, яъни 2000 йилга нисбатан таққослаганда, 2010 йилда мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот қарийб 2,6 баробар, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 1,7 баробарга ошди.



Агар 2000 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотига саноатнинг ҳиссаси атиги 14,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 24 фоизни, транспорт ва алоқанинг улуши тегишли равишда 7,7 ва 12,4 фоизни ташкил этди, хизматлар бўйича бу рақам 37 фоиздан 49 фоизга ўсди. 2011 йилнинг биринчи ярим йиллигида истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 12,3 фоизга, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етиштириш 6,7 фоизга, чакана товар айланмаси 14,6 фоизга ва хизматлар кўрсатиш 14 фоизга ошди.

Бизнинг бу борадаги энг катта ютуғимиз ялпи ички маҳсу-

лот таркибида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши кўпайгани ҳамда мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда унинг роли сезиларли даражада ошганида наноён бўлмоқда. 2000 йилда ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 31 фоизи иқтисодиётнинг фаол ривожланиб бораётган ушбу сектори улушига тўғри келган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 52,5 фоизни ташкил этди.

Мамлакатимиз саноат қороналари томонидан ўтган йили 60 дан ортиқ турдаги янги товар ва маҳсулотлар, жумладан, мутлақо янги технологик платформа негизда

Тоҳир ТОШБОВЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутаты, Экоҳаракат депутатлар гуруҳи аъзоси

"Спарк" енгил автомобиллини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шу билан бирга, катта ҳажмда юк ташийдиган "МАН" автомобилларини, энергия тежайдиган лампалар, "LG" русумидаги жаҳонга машҳур холодиликларни йиғиш, калий ўғитлари ва бошқа муҳим маҳсулотларни ишлаб чиқариш бошлаб юборилди.

(Давоми 8-бетда)

Тараққиётга қарши жиноят

Албатта, барча жиноятлар ҳам тараққиётнинг душманларидир. Аммо улар орасида тараққиётни бутунлигига тўсиб қўйишга уринадигани бу коррупция ва иқтисодий жиноятлардир. Зеро, порахўрлик авж олган муҳитга юксалиш, янгиланиш ҳақида орзу қилишга ҳам имкон қолмайди. Шу боис ҳам мамлакатимиз мустақиллигининг илк йилларидаёқ барча жиноятлар қатори коррупцияга ва иқтисодий жиноятларга қарши кескин кураш бошланди ва унинг самараларини амалга оширилаётган ислохотлар, демократик мезонлар, ижтимоий-иқтисодий юксалишлар мисолида кўришимиз мумкин.

Элим-юртим деб яшайдиган, унинг гуллаб-яшнаши учун фидойилик билан фаолият кўрсатиб, бутун маҳоратини бағишлайдиган элдошларимизнинг қўлиги қувонарли, албатта. Уларни барча жаҳонларда учратишимиз мумкин. Ана шундай фидойиликлар эвазига мамлакатимиз йилдан-йилга гуллаб яшамоқда, ишлаб чиқариш салоҳияти юксалмоқда.

Бироқ беш қўл баробар эмас, дейдилар. Хали ҳам фақат ўз манфаатларини ўйлайдиган, ўз манфаатларини давлат ва халқ манфаатларидан устун қўядиган инсонлар эъ бўлса-да, улар туради. Улар ўзларига билдирилган ишончини суиистеъмол қилиб, мансаб сохтакорлигига йўл қўядилар ёки арзимоли мажмурадаги порани деб жиноятга қўл урадилар ёки яна бир жиноятнинг туғилишига йўл қўйиб берадилар.

Хоразм вилоят прокуратура органлари томонидан ҳўқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорликда иқтисодий жиноятчилик ва коррупцияга қарши кураш чоралари тобора кучайтирилмоқ-

да. 2011 йилнинг ўтган даврида шу туркумга кирувчи 73 та жиноят иши қабул қилинган ва 99 нафар шахсларга нисбатан 35 та жиноят иши юзасидан тергов ҳаракатлари ўтказилган.

Тергов қилинган жиноят ишлари бўйича жами 1 млрд. 776 млн. 898 минг сўм моддий зарар аниқланиб, шундан 1 млрд. 290 млн. 582 минг сўми, яъни 72,6 фоизни ўндирилган. Терговда аниқланган зарарини ўндириш мақсидида айбланувчиларнинг 328 минг сўмлик мол-мулки хатланган, бунинг эвазига етказилган зарарининг 90,9 фоизни ўндирилиши таъминланган.

Мисолларга таянадиган бўлсак, "Янгириқ пахта тозалаш" ОАЖ директори Ш.Бекчанов жамият товаршунослари Т.Қурбонов ва У.Матниязов, тайёрлов бўлими бошлиғи О.Матниязов, Хива пахта қабул қилиш маскани мудири Д.Юсупов ва уруғчилик ҳосилоти Қ.Раҳимовлар билан жиноий тил бириктириб, жамият томонидан уларга ишониб топширилган 200 млн. 506 минг 502 сўмлик уруғлик чигитларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилиб, жиноятни яшириш мақсидида расмий ҳўжат ҳисобланган юк хатлирига сохта ёзувлар ва маълумотлар киритишганини аниқланган. Ушбу сохталаштириш эвазига жамият товаршунослари У.Матниязов ва Т.Қурбоновларнинг жавобгарлигида бўлган 264 730 қ.с. қасомод чигитларни чиқим қилиш юзасидан сохта далолатнома тузишган. Етказилган зарарининг барчаси вилоят прокуратурасининг депозит ҳисоб рақамига ўндирилиши таъминланган.

2011 йил 7 ойи мобайнида судга юборилган жиноят ишлари бўйича 18 нафар айбланувчига нисбатан қасом, 37 нафарига гаров ва 26 нафарига нисбатан муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат орқали очикда қолдириш эҳтиёт чоралари қўлланилган. Қасомқа олиш эҳтиёт чоралари қўлланилган шахслардан 5 нафари етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлиги сабабли

Арслон АБДУРАҲМОНОВ,
Хоразм вилоят прокурори ёрдамчиси

дастлабки тергов давомида эҳтиёт чораси ўзгартирилиб, тергов ҳибсхонасидан озод қилинган.

Амалиётдан маълумки, бундай туркумдаги жиноят ишларини тергов қилиш терговчилардан юқори малака, билим ва маҳорат талаб қилади. Вилоят прокуратурасининг иқтисодий жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш бўлими терговчилари томонидан терговлар малакали олиб бориладиганлиги туфайли, жиноий жавобгарликка тортилган 99 та шахсларнинг барчаси ҳимоячи билан таъминланиб, судга юборилган жиноят ишлари бўйича суд томонидан оқланган шахслар, шунингдек, фуқароларни асосиз равишда ушлаш ва жиноий жавобгарликка тортиш ҳолатлари ёки прокурордан терговга қайтарилган жиноят ишлари бўлмаган.

Бундай туркумдаги жиноятларнинг ўз вақтида фўш этилиши, терговга тортилиши ва муносиб жазо белгиланиши жиноятларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Бутун мамлакатимизда барча тармоқлар бирдек ривожланиётганини фўх билан эътироф этган ҳолда юрдошларимизга ўз иқтидорларини намойён қилиш эвазига қўнғилдагидек даромад қилиш имконияти ҳам яратиб берилганлигини ана бир қарра таъкидлаш мақсада мувофиқдир.

Аммо шундай бир шaroитда баъзи юрдошларимизнинг ўз манфаатларини Ватан, халқ манфаатларидан устун қўйишлари, ўзига билдирилган ишончини суиистеъмол қилишлари, ўзганинг мулкига қўш олайтиришлари, аввало, ўз виждонларига, қолaversа, жамиятга, тараққиётга хиёнат эмасми? Хиёнат эса, ким томонидан содир қилинишидан қатъи назар, ҳеч қачон кечирилмайди.

«Жанубгазтаъминот»даги қинғирлик

Рўзихмад ТУРСУНҚУЛОВ,
СВОЖДЛҚК Департаментининг Сурхондарё вилоят бошқармаси катта инспектори

СВОЖДЛҚК Департаментининг Термиз шаҳар бўлимига мурожаат қилган фуқаро Р.Бозоров ўз аризасида "Жанубгазтаъминот" унитар қорхонаси Термиз шаҳар филиали абонент хизмати устаси Ф.Коробоев аризачининг шахсий ҳўжалигида истеъмол қилинган табиий газ тўловларидан вўжудга келган 1 млн. 700 минг сўмлик қарздорлиқни йўқотиб бериш эвазига қонуний равишда ундан 700 минг сўм пул талаб қилаётганини маълум қилган.

2011 йил 18 март куни Департамент ходимлари томонидан вилоят ҳўқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда мазкур ариза юзасидан ўтказилган тадбирда "Жанубгазтаъминот" унитар қорхонаси Термиз шаҳар филиали абонент хизмати устаси Ф.Коробоев махсус кимёвий қўқун билан ишлов берилган минг сўмлик купюраларда жами 600 минг сўм пулни фуқаро Р.Бозоровдан тамағирлик йўли билан олган вақтида ушланган ва бу ҳақида тегишли процессуал ҳўжатлар расмийлаштирилган.

Тадбирни ҳўжатлаштириш давомида фуқаро Ф.Коробоев фуқаро Р.Бозоровдан илгари ҳам тамағирлик йўли билан олган 100 минг сўм пулни ўз ихтиёри билан сўриштирув органига тақдим қилган.

Мазкур ҳўлат юзасидан фуқаро Б.Коробоевга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли моддаси билан жиноят иши қўзғатилиб, тамағир абонент хизмати устаси суд ҳўқими билан тегишли жазосини олди.

Мурожаатлар эътиборда

Клара ЯКУБОВА,
Жиззах вилоят прокурорининг
катта ёрдамчиси

Иш бор жойда хато ва камчилик бўлади. Мана шу жараёнда бузилган ҳуқуқ ёки юзга келган бошқа англашилмовчиликлар сабаб турли мутасадди ташкилотларга, шунингдек, прокуратура органларига ҳам кўпала мурожаатлар қилинади. Бундай мурожаатлар назорат органлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролар мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуни талаблари асосида қўриб чиқилади.

Жиззах вилоят прокуратурасида ҳам фуқароларнинг murojatlari қўрилиб, ҳал этилиб, ҳал қилинган, умумлаштирилган ҳолда муҳокама қилиб бориш мумкин, вилоят прокуратураси органига жорий йилининг ярим чорагида қилиб тушган murojatlari сони 2887 таси ташқил этиб, улардан 1163 таси бевосита прокуратура органида ҳал қилинган. 648 та murojati бўйича тушунтиришлар берилиб, 243 таси қаноатлантирилган ва 272 таси рад этилган. 1709 та murojati ҳал этиш учун бошқа муассасаларга юзорибли, 71 таси тергов қилинаётган жиноят ишларига қўшилиб, ҳал этилди.

Жорий йилнинг ўтган орти ойда вилоят прокуратураси органлари қабулига келган фуқаролар сони 1617 нафарни ташкил этди. 322 нафар фуқаро бевосита меҳнат жамоаларида, 176 нафари эса яшаш жойларида қабул қилинди. Қайд этилган даврда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича 350 та ариза ва шикоят кўриб чиқилиб, 120 таси қаноатлантирилди. Мурожаатларнинг қўриб чиқилиши давомидан 325 нафар шахснинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Сир эмас, жойларда мутасадди ҳадама масъул шахсларнинг ўз вазифаларига масъулият билан ёндашмаслиги, мувожаатларнинг ўз вақтида қўриб чиқишига эътиборсиз қаралаётгани норозиликларга сабаб бўлади. "Фуқароларнинг мувожаатлари тўғрисида" ги Қонун ижроси юзасидан вилоят прокуратураси органлари томонидан жазий йилнинг ўтган даврида ўтқазилган текширишлар натижасида ноқонуний қарорларни бекор қилиш ҳусусида 7 та протест келтирилиб, қонуностилиги ҳолатларини бартафар этиш юзасидан 31 та тақдимнома киритилди. 12 нафар мансабдор шахс расман огоҳлантирилиб, 52 нафари интимиғий, 6 нафари маъмурий жавобгарликка тортилди.

Вилоят прокуратураси органларида ташкил этилган "Ишонч телефони" орқали олинаётган мурожаатлар асосида уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш, шунингдек, айбдор шахсларга нисбатан ваколат доирасида

зарур прокурорлик таъсир чоралари қўрилишда бир қадар самарадорлиққа эришилди. Яъни прокуратура органларининг аралашуви билан 227 нафар тadbirkорнинг ҳуқуқи тикланиб, амалий ёрдам қўрсатилди. Мисолларга мурожаат қилсак: 149 нафар тadbirkорга 994 млн. сўмлик кредит маблағлари, қишлоқ ҳўжалиғи учун 256,6 гектар, маиший объектлар қурилиши учун 0,22 гектар ер майдони ажратилиши таъминланди. Ҳўмдалар, Арнасой туман ҳокимининг қарори билан "Фаргона" сув истеъмолчилари уюшмаси ҳудудидagi "Нур" фермер ҳўжалиғига қарашли 66,7 ҳамада "Сигамсойда баҳор" фермер ҳўжалиғининг эса 85,4 гектар ер майдони қўнунга хишлоф равишда олиб қўйилган. Фермерлар прокуратурага мурожаат қилишгач, туман прокурорининг протестлари асосида қўнунга зид қарорлар бекор қилиниб, ер майдонлари фермер ҳўжаликларига қайтарилди.

“Тўхтамиш полвон” фермер ҳўжалиги раҳбари З.Алиева фермер ҳўжалиги ҳисоб рақами 2010 йил пахта ҳўсили учун келиб тушган маблағлар ноконуний равишда бошқа жойга ўтказиб юборилаётганлиги ҳақида ариза билан мурожаат қилган. Текширишда аниқланишча, фермер ҳўжалиги томонидан ҳўсботлар ўз вақтида тақдим қилинмаганлиги сабабли туман ДСИ томонидан 2010 йил пахта ҳўсили ҳўсбидан ягона ер солиғидан қарздорлар рўйхатиغا асосан 5 млн. 137 минг сўм маблағ ягона ер солиғи тўловлари учун олинган, деб қўрсатилган. Кейинчалик фермер ҳўжалиги раҳбари З.Алиева томонидан ҳўсботлар тақдим қилиниб, қайта ҳўсбот кўртиб қилинганда 2 млн. сўм ортқча ҳўсбонланганиги аниқланди. Ушбу маблағни қайтариш тўғрисида туман ДСИ томонидан ОАТБ “Агробанк” туман филиалига тўлов топшириқномаси тақдим қилинди.

Гарчи, ачинарли бўлса-да, мурожаатлар ичида фарибгарлар алдовига урғаб жабр кўрган фуқароларнинг арзларини ҳам қўшимизда мумкин. Фуқаро Ф.Шимирзаевнинг ўғли Б.Шимирзаевнинг сафарбарлик чакируви резервдаги хизмати учун ўтовлар амалга оширилмаётганлиги ҳақидаги мурожаати юзасидан текшириш ўтказилганда Арнасны тўманидаги "Са-

марканд" сув истеймолчилар уюмлари ҳудудида фаолият кўрсатаётган "Пангатли шер" фермер ҳўжалиги ҳисобчи Б.Н.Тоғаев ўзи яшаётган маҳаллада истиқомат қилувчи Ф.Эшмирзаевни алдаб, ўғли Б.Эшмирзаевни бир ойлик сафарбарлик чақирув резервида хизматни ўтати учун 1 млн. 36 минг 200 сўм шартнома пулини тўлаб бериш эвазига 2009 йил декабри ойида 600 минг сўм, 2010 йил октябри ойида 100 минг сўм, жами 700 минг сўм пулини фирибгарлик йўли билан қўлга киритганлиги аниқланди. Н.Тоғаев ОАТБ "Микрокредитбанк" Мирзачўл бўлимига қарашли Арнасов минибанкида банк ҳодими йўқлигидан фойдаланиб, компьютер воситасида Б.Эшмирзаевнинг сафарбарлик чақирув резерви хизмати учун 48-сонли тўлов топшириқномаси билан "Ҳасанбоболлик Сафар" фермер ҳўжалигидан 270 минг сўм, 49-сонли тўлов топшириқномаси билан 460 минг сўм, 54-сонли тўлов топшириқномаси билан "Ихтиёр тош" фермер ҳўжалигидан 170 минг сўм пул маблағи ўтганлиги тўғрисида муайян мабхуриятдан овоз этакдиган расмий ҳужжат тайёрлаган. Банкнинг штампини босиб, ўзи томонидан тайёрланган қалбаки ҳужжатлари Б.Эшмирзаевга фойдаланиш учун тақдим этди.

“Пангатли шер” фермер хўжалиги хисобчиси вазифасида ишлаб келган Н.Тоғаев фермер хўжалиги раҳбари Б.Шерматовнинг рухсатисиз фермер хўжалигига пахта еттиштириш учун ажратилган имтиёзли кредит ҳисобидан 800 минг сўм пул маблағини Б.Шамирзаевнинг сафарбарлик қақшурв резервидagi хизмати учун ўтказиб, талон-торож қилади. Фирибгар Н.Тоғаевнинг қилмишлари фoш этилиб, унга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Фуқаролар муносабатлари
қўриб чиқиш жараёнида улар-
нинг бузилган ҳуқуқ ва манфаат-
ларини ҳимоя қилишга алоҳида
эътибор қаратилади. Шунингдек
фуқаролар ва юридик шахслар-
нинг, хусусан, тадбиркорларнинг
ҳуқуқ ва эркинликларини, айни
вақтда бурчларини ифодовалар
маҳсус бўлган, қонун ҳужжат-
лари тўлими алоҳида брошю-
ралар тарзида нашр этилиб,
ҳудудий прокуратуралар орқали
аҳолига тарқатиш ишлари амал-
га оширилади. Қолаверса, маҳал-
лий матбуот нашрлари билан
ҳамкорликда аҳолининг ҳуқуқий
саводхонлигини ошириш мақса-
дида "Сиз ҳуқуқингизни била-
сизми?" "Фуқаро ҳузурингизга
қелди..." рунклари остида саҳи-
фалар ташкил этилиб, унда про-
куратура ходимларининг мунта-
зам чиқишлари йўлга қўйилди.

Бош вазифамиз

Фарзандларимизга юксак савияда таълим-тарбия берили-

шини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидандир. Туман прокуратораси "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва қонунлиқ ҳужжатларининг ижросини таҳлил этиб бормоқда. Республика Бош прокурорининг "Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини янада қучайтириш тўғрисида"ги буйруғи талаблари асосида муайян ишлар қилинмоқда. Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежларида ўқувчиларнинг давомати, фанларни ўзлаштиришлари, педагогларнинг дарс ўтишлари ўрганилмоқда. Ушбу жараёнда бир қатор қўнунбузилиши ҳолатлари аниқланиб, коллеж ва умумтаълим мактабларининг 114 нафар гуруҳ раҳбарлари, ўқув ишлари бўйича директор ўринбасарлари интизомий ҳужвогарликка тортилди. Фарзандларининг билим олишларини таъминлашга оид бурчларини ўзларидан соқит қилган, турли юмушларга, пул ишлаб топишга мажбурлаб, ўқидан қолдирган 37 нафар ота-оналарга нисбатан маъмурий иш қўзғатилди. Урта касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармаси, халқ таълими бошқармаси раҳбарлари, туман ҳокимига тақдиминомалар киритилди. Дарсларга бормай қўйган 128 нафар коллеж ва мактаб ўқувчилари тўлиқ ўқишга жалб этилди.

Битирувчи ёшларни ишга жойлаштириш жараёнида кўз-буямачилик ҳолатлари аниқланди. Коллежларнинг маъсул шахслари тақдим этган маълумотларга қура, битирувчиларнинг 264 нафари ишга жойлаштирилган. Амалда эса уларнинг 49 нафари ишламаётгани аён бўлди. Ушбу ҳолатдан келиб чиқиб, туман прокуратураси август ойида олиб борган тадбирлар мوبайида 42 нафар битирувчининг касб-корларига мос равишда қорхона, ташкилот ва фермер ҳўжалиқларига ишга жойлаштирилиши таъминланди.

Президентимиз томонидан зълон қилинган "Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик йили" Давлат дастурида тadbиркорликни ҳар ҳафзатдан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш орқали ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатишни ривожлантириш, меҳнат ва бандлик муаммоларини ҳал этиш, айниқса, қишлоқлардаги ишсиз фуқаролар, ёшларни иш билан таъминлаш юзасидан белгиланган тadbирлар туманимизда ҳам изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Жойларда ўтказилаётган бевосита мулоқотларда ўз ишини ташкил этиш, кичик ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, савдо-сотиқ корхоналарини очиш, рўйхатдан ўтказиш, зарур бўлса, имтиёзли кредит олиш борасида яратилган шарт-шароитлар ҳақида батафсил тushунчалар берилмоқда. Бундан хулоса чиқарган фуқаролар яратилган қулай шартношалардан фойдаланиб, ўз ишларини йўлга қўйишмоқда. Тадбиркорлик субъектларининг сонى кўпаймоқда. Чунинчи, туман

Д.ЖҰРАБОВ,
Ёзёвон туман прокурорининг
катта ёрдамчиси

нимизда 200 та кичик корхона ва микрофирмалар янгидан фаолият бошлашди. Улар таклиф қилган янги иш ўринларида 1150 га яқин фуқаролар меҳнат қилишмоқда. Ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ҳажми кўзга кўринарли даражада ортди.

Тумандаги корхоналарда касаначилик асосида иш ўринларини яратиш меҳнат ва бандлик муаммосини ҳал этиш йўлларидадир. Касаначилар меҳнатидagi фойдаланиш корхоналарга наф келтириши амалда ўш исботини топмокда. Туман прокуратураси касаначиликни кенгайтириш ис- тагидаги тадбиркорларга ҳуқуқ ва амалий ёрдам кўрсатапти. Бу усулни жорий этаётган тадбиркорлик субъектларининг сафи кенгаймоқда. Чунончи, Қоротепа кишлоғидаги уйда ўтирган 10 нафар тикувчи аёл- лар "Фарғона водий чиннигул" корхонаси буюртмаларини ба- жариб бера бошладик. Касана- чи сифатида мўким иш жойига эга бўлишди. Шунингдек, Ёзёвон шаҳарчасидаги "Ферузобону Хўжаева" кичик корхонасида 12 нафар, Гулистон кишлоғидаги "Нурли Олмос сари" хусусий корхонасида 6 нафар касаначи- лар ишлаб бошладик.

Утган саккиз ой мобайнида бевосита туман прокуратураси ташаббуси билан қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларида 41 та тадбиркорлик субъектлари ташкил қилинди. Уларда 102 киши доимий ишли бўлишди. Прократуранинг ҳуқуқий ёрдами билан "Халқ банки" туман бўлими томонидан энди иш бошлаётган уч нафар тадбиркорларнинг ҳар бирига 1,5 млн.сўмдан кредитлар ажратиб берилди. Ишламаётган тадбиркорларнинг фаолиятлари ўрғатиб қолишнинг сабаблари ўрганилиб, қайта иш бошлаларига амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Хусусан, Ёзёвон ҚўсИдаги "Итифок чашмаси" сувокава ишлаб чиқариш корхонасининг устав жамғармаси янгитдан шакллантирилиб, фаолияти қайтадан йўлга қўйилди.

Тадбиркорлик субъектларининг бузилган ҳуқуқлари тикланмокда. Судга даъво аризалари киритилиб, қарзлари ундирилмокда. Жумладан, ҳўжалик судига киритилган даъво аризалари қаноатлантирилиб, 9 та фермер ҳўжаликларига "Езёвон пилла" МЧЖдан қарзлари тўкис ундириб берилди.

"Ишонч телефони"га мурожаатлар қўниқий қўриб чиқилмоқда. Чўноқчи, "Уриновна Одинахон" хўсўсий қорхонаси рахбарининг мурожаати қаноатлантирилиб, тўлов терминали топширилди. Қорхонани терминал билан таъминлаган "Халқ банки" тўман филиалининг бошқарувчиси Р.Абдуллаев интизомий жавобгарлиқа тортилди. Бўндан ташқари, "Ишонч телефони" орқали мурожаат этган ўн нафар талдиборқонинг мўаммолари ҳам ҳал қилинди.

/Давоми 7-бетда/



«Элга нафим тегаётганидан бахтиёрман»

Замонамиз қаҳрамонлари ҳақида ҳикоя қилиш газетамизда анъанага айланган. Уларни излаб узоққа боришнинг ҳожати йўқ. Ён-атрофимизда, қишлоқ ҳўжалиги, саноат, хизмат кўрсатиш, барча соҳаларда меҳнат қилаётганлар орасида бундай заҳматкашлар кўп. Улар халқимизнинг ҳурмат-этибори билан бирга давлатимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлмоқдалар. Энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида Юртбошимизнинг Фармонида бироан «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони билан тақдирланганлар орасида Олий Мажлис Сенати аъзоси, Тахтакўпир туманидаги «Тайимбет» фермер ҳўжалиги раиси Сарсенбой Сейтназаров ҳам бор. У кишининг дил сўзларини ёзиб олиш мақсадида Тахтакўпирга, Сарсенбой Сейтназаров даласи томон йўлга тушдик. Оппоқ пахтазорлар киши кўнглини яшнатади. Сарсенбой Сейтназаровни ҳам дала бошида учратдик.

— Сарсенбай Ержанович! Давлатимизнинг юксак мукофоти муборак бўлсин!

— Раҳмат, ҳаммага ҳам насиб қилсин.

— Айтингчи, мукофотланганингиз ҳақидаги хабарни эшитганингизда кўнглингиздан қандай ўй-фикрлар кечди?

— Ҳар қандай одамнинг ҳам бундай пайтда қалби қувончларга лиммо-лим тўлса керак. Ахир бу унча-мунча мукофот эмас, давлатимизнинг энг олий мукофоти. Ташкентга, Сенат йиғилишига кетаётган эдим. Кимдир телефон қилиб, «Сиз қаҳрамон бўлибсиз, ҳозиргина телевизорда кўрдим, табриклайман», деди. Тўғриси, кўзаларимдан ёш чиқиб кетди. Наҳотки, дейман ўзимга-ўзим... Ота-онам кўз олдимга келди... Шу кўнларга етказганига шукр қилдим.

— Меҳнатнинг таги роҳат, дейдилар. Уста деҳдон бўлиш, бугунги кунга эришгунча босиб ўтган йўлингиз ҳақида газетхонларимизга гапириб берсангиз?

— Мен оддий деҳдон фарзандиман. Раҳматли отам Ермон Сейтназаров ҳамда онам Салима Нуруллаевалар бир умр далада ишлашган, деҳдон бўлишган. Қаерга боришса, мени ёнларидан олиб юришарди. Бу соҳага қизиқишим ота-онамдан ўтган бўлса керак. Экиннинг унбид чиқиши, ўсиши, гул ва мева тугиши мўъжизадай туюларди. Аммо бунинг учун кўп меҳнат қилиш кераклигини ке-

йинчалик англаб етганман. Мактабни тугатиб, Нукус қишлоқ ҳўжалиги техникумига, кейин Аграр университетининг Нукус филиалига ўқишга кирганман. 2008 йили университетни аграрном мутахассислиги бўйича битирдим. Хуллас, 1985 йилдан (бироз вақт қурилишда ҳам ишлаганман) қишлоқ ҳўжалиги соҳасида ишлаб, бахтимни топдим. Кўп йил бригадир бўлганман. Шолкдорчиликдан юқори ҳосил олганмиз.

2000 йилдан «Тайимбет» фермер ҳўжалиги раҳбариман. Ишимни жуда севаман. Узим танлаганман, ота касб ахир.

Дастлабки йиллари жуда қийналдим. Сабаби икки йилча кургоқчилик бўлди. Сув бўлмади. Энди сув бўлмас эмиш, деб кўчиб кетган бир-иккита тақасалтанглар ҳам бўлди. Дарахт бир жойда кўкаради, деб бежиз айтишмаган.

Ота-онамнинг дуолари ижобат бўлдики, 2003 йилдан сув келиб, фермер ҳўжалигимиз ривожланиб кетди. Ҳозир 20 та техникамиз бор. 100 нафарга яқин ишчилар ишлашади. Ойлик маошларини вақтида олиб туришибди. Нон цехимиз, ун, шолти тегирмонимиз, тўйхонамиз ишлаб турибди. Ишчиларимизнинг тўйларини ўтказиб берамиз. Ҳар йили кам таъминланган оилаларга 3-4 млн. сўм моддий ёрдам берамиз. Даромадларимиз кундан-кунга ошиб, режаларимизни ортгига билан бажаряпмиз. 2004 йил 50 млн. сўм соф фойда билан чиққан бўлсак, 2005 йил бу кўрсат-

кич 108 млн. сўм, 2006 йил 204 млн. сўм, 2007 йил эса 300 млн. сўмга етти. Ўтган йили даромадимиз ҳисобидан 1-сонли мактабга 8,5 миллион сўмлик ёрдам бердик. Ҳўжайидаги меҳрибонлик уйига 1 тонна ун ҳадя қилдик. «Мақбалқўл»даги тиббиёт муассасасига таъмирлаш учун 1 млн. сўм бердик. Ҳар йили байрамлар арафасида туманимиздаги уруш ва меҳнат ветеранларига, ишлаб чиқариш илғорларига совға-саломлар улашамиз, ош берамиз. Хива, Бухоро ва Самарқандга ўз ҳисобимиздан саёхатга олиб борамиз. Ўтган йили кам таъминланган 10 нафар ишчимизга биттадан мол бердик.

Шу ёшга кириб англаганим, инсон фақат яхшилик қилиши керак экан. Савоб иш ишингизнинг фақат ривожига хизмат қилади.

Ҳозир фермер ҳўжалигимизда 200 бош қорамол, 2000 бош қўй-эчки бор. Ўтган йили 70 гектар пахта майдонидан дала-латга 40 центнердан 300 тонна «оқ олтин», 132 гектар бугдой майдонидан 185 тонна ўрнига 500 тонна галла топишдик. Режадан ортқ бугдойни ҳўжалигимиз ишчилари учун олиб қўйдик.

Ҳар йили шартнома асосида ўқийдиган 2-3 талабанинг шартнома пулини ўтказиб бераман. Меҳнат инсонни улғайди, деганлари рост экан. 1993 йили Президентимизнинг фахрий ёрлигини олдим. 1997 йили «Шуҳрат» медали билан мукофотландим. 2000 йили «Фидокорона меҳнатлари учун» орденини олишга муваффақ бўлдим. «Ташаббус-2007» танловида «Энг яхши фермер» номинацияси ғолиби бўлиб, Президентимизнинг соврини — «Матиз» автомашинаси билан тақдирландим.

— Бозор иқтисодиёти шартларида эришилган ютуқлар билан кифояланиб қолиш, мавқеини рақобатчиларга бой бериш билан тенг. Шу

маънода сир бўлмаса, ишингизни янада ривожлантириш учун қандай режалар ўйлаб қўйгансиз? Ёш фермерларга қандай маслаҳатлар бера-сиз?

— Президентимиз белгилаб берган машҳур беш тамойилдан бири кучли ижтимоий ҳимоядир. Менимча, бунинг асоси аҳолини иш билан тўла таъминлаш ҳисобланади. Чунки одамлар иш билан банд бўлса, қол-илгорларига совға-саломлар улашамиз, ош берамиз. Хива, Бухоро ва Самарқандга ўз ҳисобимиздан саёхатга олиб борамиз. Ўтган йили кам таъминланган 10 нафар ишчимизга биттадан мол бердик.

Отақўл деган 150 гектарлик қўлда балиқчиликни ривожлантириб, кейинчалик тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш учун цех кураамиз. Ўзингизга маълум, минтақамиз экологик шароити оғир ҳудуд ҳисобланади. Шу боис бу ерда 25 ўринли болалар санаторияси қуриш ниятим бор.

Энг асосийси, ишчилар, овул оқсоқоллари билан маслаҳат иш юритишдир. Уларнинг розилиги, дуоси билан бошланган иш, албатта, рўёбга чиқиши, раванк топишига ишонаман.

Бундан ташқари, туман раҳбарлари менга 33 та ёш фермерга оталиқ қилишни топиришган. Уларга билганларимни ўргатаман, маслаҳатлар бераман. Экин экишдан ҳосилни йиғиб олишгача нима ёрдам зарур бўлса, ёрдам бераман. Чунки ҳаммамиз бир мақсад — мамлакатимиз тараққиёти, эл-юрт фаровонлиги йўлида меҳнат қиламиз.

— Тарихдан маълум, илфган, адабиёт, санъат ахлига ҳомийлик қиладиган кишиларни меценат дейишди. Юртимизда бадавлат одамлар кўпаяётгани яхши. Аммо меценатлар унчалик кўп эмас. Бу ҳақда сизнинг фикрингиз қандай?

— Мен ҳам фикрингизга қўшиламан. Ижод аҳлини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш зарур. Сизнинг кўмагингиз билан биттагина шох асар яратилса ҳам бу нафақат сизнинг, балки бутун халқимизнинг бахти. Нокамтарлик бўлса ҳам айтай, мен ҳам бир-иккита ижодкорнинг китоб чиқариши учун ҳомийлик қилганман. Албатта, юртимизда меценатлар кўпайиши тарафдориман. Чунки Абдулла Қаҳҳор айтганидек, талантсиз ижодкорлар ўз йўлини топиб кетаверади, талантли ижодкорларга эса истёждодини рўёбга чиқариш учун ёрдам бериш керак.

— Ўзбекистон Қаҳрамонининг нималарга қизиқишини билиш газетхонларимиз учун ҳам қизиқарли. Шулар ҳақида гапириб берсангиз?

— Оиламга ҳам, ишимга ҳам, дам олишимга ҳам бирдай вақт топишим зарур. Турмуш ўртоғим, 3 нафар фарзандим мендан андоза олишади, ахир. Асосан қишлоқ ҳўжалигига оид китобларни кўпроқ ўқийман. Чунки замондан ортда қолмаслик зарур. Соҳанинг ҳамма силарини биламан, деган киши адашади. Телевизор томоша қиламан, газета ўқийман. Ахир янгиликлардан бохабар бўлган, маънавияти бой одам кўп ишларга қодир бўлади. Футболга қизиқаман. Миллий терма жамоамизга муҳлислик қиламан. Қолаверса, ҳар кун пийда камид 10 километр дала айланиш ҳам мен учун спорт. Хуллас, ишчи, инсон доим ҳаракатда бўлиши керак. Шундагина олдида қўйган мақсадига, албатта, етади. Яна бир марта ҳаммамни фурсатдан фойдаланиб, Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги билан табриклайман. Оилаларига тинчлик, дастурхонларига барака тилайман.

— Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат.

Нуриддин ОКНАЗАРОВ
суҳбатлашди

/Давоми.
Бошланғичи 1-бетда/

Битирувчиларни ишга жойлаштириш бўйича амалга оширилган кенг қўлмали ишлар натижасида 2970 нафар ёшлар тумандаги қорхона ва ташкилотларга эғаллаган касб мутахассисликлари бўйича 3 томонлама шартномалар тузишган. 2212 нафари ишга жойлаштирилган.

Туман прокуратурасига келиб тушган ҳар бир фуқаро мурожаати атрофлича ўрганилиб, қонун доирасида муҳофиза қилинади. Ҳақ-хуқуқи бузилган фуқаролар, ижтимоий, иқтисодий жабҳаларда турли қонунбузарлик ҳолатларига рубарў келаятган тадбиркор, фермер ва бошқа соҳа эгаларининг мурожаатлари бевосита тизимда ташкил этилган «Ишонч теле-

Фуқароларга елкадош

фони» орқали ҳам қабул қилиб борилади.

Жорий йилнинг ўтган даври давомида «Ишонч телефони»га 10 га яқин мурожаатлар келиб тушган бўлиб, улар атрофлича ўрганиб чиқилди. Жумладан, жорий йилнинг 26 январидан Наманган тумани И.Раҳматов ҚФЙ «Маллахоузуз» МФЙда яшовчи А.Қаҳҳоров «Ишонч телефони»га мурожаат этиб, яшаш ҳудудида табиий газ таъминоти яхши эмаслиги, шу сабабли ҳудудда мазкур масалани ўрганиб чиқиб, амалий ёрдам беришни сўраган. Мазкур ҳолат туман прокуратураси ва тумангаз филиали томонидан ўрганиб чиқи-

либ, ҳудудда табиий газ таъминоти яхшиланди.

Фуқаро Ф.Гафарова ҳам яшаш хонадонидида қандолатчилик цехи ташкил этишда ва тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтишда амалий ёрдам беришни сўраб, «Ишонч телефони»га мурожаат этган. Натижада «Шахлохон Шерзодбек» ҳусусий қорхонаси белги-ланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиб, ўз фаолиятини йўлга қўйди.

Яна фуқаро А.Маматқулов «Ишонч

телефони»га кўнғироқ қилиб, жун титиш цехи ташкил этишда ва тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтишда амалий ёрдам беришни сўраган. Фуқаронинг талаби атрофлича ўрганилган, у туман ҳокимлиги ҳузуридаги миллий ҳунармандчилик уюшмасига аъзо бўлиб, иш бошлади. Бу каби фуқаролардан тушган бир қатор мурожаатлар прокуратура аралашуви билан ижобий ҳал этилиб, керакли тасвирлар берилганига ғувоҳ бўлиш мумкин.

Албатта, фаолиятимизнинг асосий мезони ҳисобланган юқоридидаги каби барча саъй-ҳаракатларимиз замирида, аввало, фуқаролар манфаати ётади. Зеро, бугун прокуратура тизими жазо-ловчи эмас, одамларнинг ҳуқуқларини ҳимояловчи орган сифатида эътибор қозонаётгани, фуқароларга елкадош бўлаётгани айна ҳақиқат.

Ҳабибулло ҚОБУЛОВ,
Наманган туман прокурори

Иқтисодий таракқиёт омили

Маълумки, давлатимиз иқтисодиётининг ривожланиши, пировардида халқимиз фаровонлигининг ўсишида тadbиркорлик муҳим омили ҳисобланади.

Учтепа тумани ҳудудида ҳозирги кунда 3718 та ҳўжалик юритувчи юридик шахслар, 3263 та кичик бизнес субъектлари, 111 та хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар, 4 та саноат корхонаси, 3763 та савдо ва умумий овқатланиш корхоналари, 218 та маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, 3520 та якка тартибдаги тadbиркорлар фаолият кўрсатиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2011 йилнинг "Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик йили", деб эълон қилиниши муносабати билан қабул қилинган Давлат дастури ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2011 йил 9 февралдаги "Тadbиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини кучайтириш тўғрисида"ги 87-сонли буйруғи талабларидан келиб чиқадиغان тadbирлар жадвали ижросини таъминлаш юзасидан туман прокуратураси томонидан тегишли чора-тadbирлар белгилаб олинди. Назорат-текирув ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар мансабдор шахсларининг масъулияти оширилиб, улар томонидан микрофирма-

лар, кичик корхоналар ва фермер ҳўжаликлари ҳамда бошқа тadbиркорлик субъектларини текширишни тайинлаш ва ўтказиш борасидаги фаолият устидан қатъий назорат ўрнатилди. Маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари томонидан қабул қилинаётган ҳужжатлар ўрганиб борилиб, унда айниқса, тadbиркорларнинг иқтисодий эркинлигини чеклаш билан боғлиқ ҳужжатларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бундан ташқари, тумanning барча назорат-текирув идоралари томонидан ўтказилган тadbиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш натижаларига кўра қўлланилган ҳуқуқий таъсир чоралари, молиявий санкцияларнинг қонунийлиги мунтазам ўрганиб борилаётган.

Ишонч телефонларининг узлуксиз ишлаши таъминланди, уларга келиб тушаётган тadbиркорларнинг мурожаатлари алоҳида ҳисоб олиш дафтаридида юритилмоқда. Бугунги кунга қадар туман прокуратурасининг 271-52-00 рақамли ишонч телефонига тadbиркорлик субъектларидан уларнинг фаолияти билан боғлиқ мурожаатларнинг барчаси ҳал этилди. Жумладан, хусусий тadbиркор

С.Жалолов "Ўзсаноатқурилишбанк" Ал-Хоразмий филиалидан тadbиркорлик фаолияти учун банкдан кредит маблағи олишда ёрдам сўраб мурожаат қилди. Туман прокуратурасининг аралашуви билан унга кредит маблағи ажратилди.

Бундан ташқари, хусусий тadbиркор М.Долиев "Ўзсаноатқурилишбанк" Учтепа филиалидан терминал аппаратини олиш юзасидан мурожаат қилган ва туман прокуратурасининг аралашуви билан унга шартнома асосида терминал аппарати берилди.

Туман ҳудудидаги "Фарҳод деҳқон бозори" ОАЖ радиозели орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тadbиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тadbирлари тўғрисида"ги Фармони мазмуни ва моҳияти мунтазам равишда тушунтириб борилаётган. 2011 йилнинг ўтган даврида бундай тарғибот тadbирлари сони 41 тани ташкил қилди.

Тadbиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунларнинг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилиш ҳамда тadbиркорлар билан прокурорларнинг бевосита учрашувлари орқали мулоқотларни мунтазам равишда амалга оширишни таъминлаш мақсадида туман прокуратура-

си биносидида алоҳида хона ажратилди. Ушбу хонада керакли адабиётлар тўплами жамланган ҳамда ундан амалда фойдаланиб келинмоқда.

Шу билан бирга, 2011 йилнинг етти ойи давомида туман прокуратураси ходимлари томонидан 765 дан ортиқ кичик бизнес вакиллари иштирокида 14 та учрашув ўтказилди. Учрашувлар жараёнида тadbиркорларга соҳага оид қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тadbиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган Фармонлари ва қарорлари моҳияти тушунтирилди. Учрашувлар якунда 145 дан ортиқ тadbиркорлик субъектларига ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Тadbиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ва уни кенгайтириш учун банклар томонидан кредит ажратилиши, тadbиркорларнинг инвестиция дастурларига кирган лойиҳалар бўйича ўтказилаётган тендер ва танловларда иштирок этишлари юзасидан доимий мониторинг ўтказиб келинмоқда.

Жумладан, туман ҳудудида фаолият юритаётган "Парвоз принт инвест" МЧЖга 17 млн. сўм, "Азия Принт Сервис" МЧЖга 262,4 млн. сўм, "Лобар Баки" МЧЖга 150 млн. сўм, "Муҳиддин" ХЖга 8,4 млн. сўм кредит ажратилиши таъминланди. Бунда янги ишчи ўринлари яратилиши кўзда тутил-

И.УСМОНОВ,


Учтепа туман прокурори

ган. Бундан ташқари, ҳозирги кунда "Анвар таом" МЧЖга 200 млн. сўм, "Осман пласт" МЧЖга 80 млн. сўм қисқа ва узок муддатли кредитлар ажратилиши режалаштирилиб, кўриб чиқилмоқда.

Туманда 3263 та кичик ва хусусий тadbиркорлик субъектлари рўйхатдан ўтказилди. 2011 йил январь-июнь ойлари якунларига кўра маҳсулот (хизмат) ишлаб чиқариш ҳажми 96,5 млрд. сўмни ёки ўсиш суръати 113 фоизни ташкил этди. Улар томонидан 57,3 млн. АҚШ долларига тенг маҳсулотлар экспорт қилиниб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан экспорт ҳажми ўн бир баробарга ошди, 2952 та янги иш ўринлари яратилди.

Тadbиркорлик субъектлари хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам ривожланиш йўлига ўтиб олишди. 2011 йилда янгидан 3 та хизмат объектларини очилиши мўлжалланган бўлса, ҳозирга қадар ана шундай 7 та объект фойдаланишга топширилди. Йил якунига қадар яна 8 та янги объект ишга туширилди.

Хукуматимизнинг тadbиркорликни ривожлантириш, уларни қўллаб-қувватлаш борасидаги амалий сиёсати ана шундай натижалар бермоқда.



Болаларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, ўсмирлар ўртасида ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш тизимини мустаҳкамлаш, ота-оналар ёки уларнинг ўринини босувчи шахсларнинг ёш авлод тарбияси учун масъулиятини ошириш борасида амалга оширилаётган кенг қуламли чора-тadbирлар вояга етмаганлар ўртасида криминоген вазиятни яхшилаш имконини бермоқда.

Шу билан бирга, вояга етмаганларнинг fairирижтимоий хатти-ҳаракатларига имкон бераётган шарт-шароитларнинг таълилий шунли кўрсатмоқдаки, аксарият ҳолларда бундай қилишларнинг содир этилишига уларнинг тунги вақтда турли кўнгил очиш жойларида назоратсиз юришлари ва спиртли ичимликлар истеъмол қилишлари сабаб бўлмоқда.

Бу каби ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида 2010 йил 17 май куни "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар қилиш ҳақида" Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилиниб, болаларнинг fairирижтимоий хатти-ҳаракатларининг олдини олишга қаратилган норматив-ҳуқуқий база такомиллаштирилди.

Ушбу Қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 188²-модда (Вояга етмаган шахсининг кўнгил очиш (дам олиш) жойларида тунги вақтда бўлишига йўл қўйиш) билан тўлдрилиб, рестороанлар, кафеалар, барлар, клублар, дискотекалар кинотеатрлар,

компьютер заллари, интернет тармоғидан фойдаланиш хизматларини кўрсатиш учун жиҳозланган хоналар ёки бошқа кўнгил очиш (дам олиш) жойларининг раҳбарлари ёхуд бошқа масъул шахслар томонидан вояга етмаган шахсининг тунги вақтда ота-онасидан бири ёки унинг ўринини босувчи шахсининг кузатувисиз кўрсатилган муассасаларда бўлишига йўл қўйганлик учун энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима жазоси белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 122-моддасига мувофиқ, соат 22:00 то соат 6:00 гача бўлган вақт тунги вақт деб ҳисобланади. Кўнгил очиш (дам олиш) жойларининг иш тартиби бўйича тунги вақт қай тартибда белгилангандан қатъи назар, ҳуқуқбузарлиқни содир этиш вақтини аниқлашда Меҳнат кодексининг 122-моддасига амал қилинади.

Ота-онанинг ўринини босувчи шахслар деганда Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 7 январдаги "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуни 3-моддасига мувофиқ белгиланган тартибда болага нисбатан ота-оналик ҳуқуқини амалга оширувчи ва ота-оналик мажбуриятларини бажарувчи, лекин боланинг ота-онаси бўлмаган шахслар (фарзандликка олувлари, вазийлар ва ҳомийлар) тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 188²-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар аниқланган тақдирда ички ишлар органларининг профилактика инспекторлари ёки вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси инспек-

Бола ҳуқуқлари муҳофазаси

С.НАЗАРОВ,

Сирдарё вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

торлари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида баённома тузилади. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома бошқа ҳужжатлар билан кўриб чиқиш ҳуқуқбузарлик содир этилган жойдаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судига юборилади.

Ички ишлар органлари ходимлари томонидан кўнгил очиш (дам олиш) жойларида тунги вақтда ота-она ёки уларнинг ўринини босувчи шахсларнинг кузатувисиз бўлган болаларнинг шахсини, ўқиш ва яшаш жойини аниқлаш, уларни зудлик билан қонуний вакилларига топшириш чоралари кўрилиши лозим.

Кўнгил очиш (дам олиш) жойларида тунги вақтда мунтазам равишда (икки ва ундан ортиқ маротаба) қаровсиз юрган вояга етмаган шахсларнинг ота-оналари ёки уларнинг ўринини босувчи шахсларга нисбатан ички ишлар органлари томонидан тўлланган ҳужжатлар маъмурий жазо қўллаш учун жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судига ёки туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияга юборилиши белгиланган.

Зарур ҳолларда вояга етмаган шахсларнинг кўнгил очиш (дам олиш) жойларида тунги вақтда қаровсиз бўлиш ҳолатларининг сабаблари ва бунга имкон берган шарт-шароитларни барта-раф этиш тўғрисида МЖТКнинг 313-моддасига мувофиқ тегишли органларга тақдирнома қилиниши мумкин.


Прократура органлари томонидан бу каби ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва уларга барҳам беришда вояга етма-

ганларнинг ҳамда тadbиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатларига қатъий риоя қилиниши устидан назорат кучайтирилиб, маъмур йўналишда қонунбузрилиш ҳолатларига йўл қўйган мансабдор шахсларга нисбатан қонуний чоралар кўриб борилаётган.

Маъмур йўналишда мутасадди идоралар томонидан ўтказилган назорат тadbирлари натижасида 2010 йилда 9 та ҳолатда, жорий йилнинг 6 ойда 6 та ҳолатда Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 188²-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар аниқланиб, уларга нисбатан маъмурий жазо чоралари кўрилди.

Жумладан, ўтказилган назорат тadbирларида кеч соат 23:00да Сирдарё шаҳарчасида яшовчи фуқаро У.Позилонга тегишли бўлган компьютер ўйинларига ихтисослаштирилган хонада вояга етмаган А.Расулов ота-онаси ёки уларнинг қонуний вакилисиз юрганилиги аниқланганлиги ҳолати юзасидан тўлланган ҳужжатлар Жиноят ишлари бўйича Оқолтин туман суди томонидан кўрилиб, ҳуқуқбузарга нисбатан жарима солинди.

Ўзбекистон Республикасининг "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарлик профилактикаси тўғрисида"ги Қонуни вояга етмаганларнинг кўнгил очиш (дам олиш) жойларида тунги вақтда қаровсиз бўлиш ҳолатларининг олдини олиш юзасидан ички ишлар органлари, солиқ инспекциялари, таълим муассасалари, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда бошқа мутасадди идораларнинг масъулиятини оширишга хизмат қилмоқда.



Фуқаролик жамияти ва ёшлар

Шоҳиста АБИДОВА,
ТДЮИ 2-босқич талабаси

Мамлакатимизда фуқаролик жамияти тамойиллари, ҳуқуқий асос ва қадриятлари, институтлари шаклланиб бормоқда. Фуқаролик жамиятининг ўз тамойиллари, қадриятлари ва ўз институтлари мавжуд. Унинг муҳим асосини авваламбор, инсон омили ташкил этади, чунки фуқаролик жамиятининг устувор мақсади — инсонни ҳар томонлама камол топтириш, унинг ўзини-ўзи ҳар томонлама намоён қилишига қулай имкониятлар яратишдан иборат.

Фуқаролик жамияти низолатда мураккаб ижтимоий ҳодисадир. Фуқаролик жамияти — ҳар бир инсон манфаатини устувор билувчи, ҳуқуқий аъна ва қонунларга ҳурмат муҳити шакллантирилган, умуминсоний қадриятларга эъзозланадиган, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари сўзсиз таъминланадиган, давлат ҳокимиятининг самарали жамоатчилик назорати механизми вужудга келтирилган, инсоний муносабатлар чуқур маънавий-маданий қадриятларга таянадиган эркин демократик ҳуқуқий жамиятидир.

Президент Ислам Каримов таъкидлаганларидек, "Биз учун фуқаролик жамияти — ижтимоий макон. Бу маконда қонун устувор бўлиб, у инсоннинг ўз-ўзини камол топтиришига монелик қилмайди, аксинча, ёрдам беради. Шахс манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла даражада рўйга чиқишига кўмаклашади".

Шу жиҳатдан олганда ёшларнинг фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш жараёнида фаол иштирок этиши муҳим стратегик вазифадир. Зеро, барча даврларда ҳам ёшлар жамиятининг энг фаол қисми бўлиб келган.

Ёшлар — ўзларининг ижтимоий мавқеи, ёши, ижтимоий-руҳий хусусиятларига қараб фарқланадиган, яъни жамият ижтимоий-иқтисодий ва маънавий муносабатларига тўлақонли киришиш даврини бошдан кечираётган 16 ёшдан 30 ёшгача бўлган ижтимоий-демографик ғуруҳдир.

Ёшлик даврининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд: бу давр ёшларнинг ўқиши, билим олиши, маълум бир касб танлаши

ва уни эгаллаши, сиёсий ва фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлиши, ўз дунёқараши-ни шакллантириб, мустақил ҳаётга қадам қўйиш, оила қуриш ва ҳоказолар билан тасвифланади.

Фуқаролик жамиятида ёшларнинг фаолияти ҳар хил кўринишларда: жамоат ташкилотларида, спорт клубларида, маданий марказларда, нодавлат ташкилотларида иштирок этишлари билан намоён бўлади.

Ҳар қандай мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан тараққи топшиши ўсиб келаётган авлод — ёшлар билан узвий боғлиқ ҳамда бу ривожланишда ёшлар ташкилотлари муҳим ўрин тутди.

Буни аҳолисининг 64 фоизини ёшлар ташкил этадиган республикаимиз мисолида оласак, ёш авлоднинг мамлакат тараққиётини белгилувчи асосий куч эканлиги ўз-ўзидан аён бўлади. Шунинг учун ҳам мамлакатнинг таъдир, барча соҳаларда қилинаётган саноат-ҳаракатларнинг истиқболи айнан, ёшларни қандай қилиб тарбиялаш, вояга етказишда ёшлар ташкилотларининг бевосита буғунги кундаги фаолиятига боғлиқ бўлади. Бошқача айтганда, ёшларга қаратилаётган эътибор эртанги кунимизнинг, мамлакатимиз тараққиётининг даражасини белгилаб беради.

Буғунги кунда мамлакатимизда ёшларга оид сиёсат олиб боришда қуйидаги аниқ мақсадлар белгилаб олинди:

Аввало, ёш авлодни эски тузумнинг мафқуравий таъсири оқибатларидан халос қилиш;

Иккинчидан, ёшларни ижтимоий му-

носабатларнинг ҳар хил шаклларида ўтишида, психологик муҳитга мослашиши учун ёшлар ташкилотларида керакли шарт-шароит ва имкониятларни яратиш бериш;

Учинчидан, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш ва бу потенциалдан мамлакат келажагини белгилашда кенг фойдаланишга эришиш;

Тўртинчидан, ишлаб чиқариш ва ижтимоий фаолиятнинг барча соҳаларида ёшлар ташкилотларини бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиши учун йўл очиб бериш;

Бешинчидан, ривожланган демократик давлатларнинг ёшларга оид сиёсати асосларини ўрганиш ва халқаро ёшлар ташкилотлари билан ўзаро фойдали алоқаларни йўлга қўйиш.

Бу жараёнда ёшлар ташкилотлари давлат ва ёшлар ўртасида бамисоли бир кўприк бўлиши, давлатимизнинг ёшлар сиёсатини уларга, ёшларимизнинг ўй-таъвишларини, орзу-интилишларини ва муаммоларини давлат ташкилотларига етказиб туриши, уларнинг ҳақиқий ҳимоячиси бўлиши муҳимдир.

Ортбосимиз таъбири билан айтганда, "Ҳар бир инсоннинг, айниқса, энди-гина ҳаётга қадам қўйиб келаётган ёшларнинг онгига шундай фикрни синдириш кераки, улар ўртага қўйилган мақсадларга эришиш ўзларига боғлиқ эканлигини, яъни бу нарсалар уларнинг собиткадми, ғайрат-шижоати, тўла-тўқис фидокорлигига ва чексиз меҳнат-севарлигига боғлиқ эканлигини англаб етишлари керак. Худди шу нарсалар давлатимиз раванак топишининг асосий шартидир".

Хулоса қилиб айтганда, фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш олий мақсадимиз экан, биз ёшлардан фидокорлик, ғайрат ва шижоат, энг аввало, ватанпарварлик талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши юрти-мизда демократик-ҳуқуқий давлат, эркин фуқаролик жамияти сари ташланган энг биринчи ва қатъий қадам бўлган эди. Бугунги кунда республикаимизда Конституцияга асосланиб, халқимиз манфаатлари-га тўла мос келадиган сиёсий, иқтисодий-ижтимоий ислохотлар амалга оширилмоқда.

Ҳуқуқларимиз кафолати

Муҳаббат МАМАТОВА,
ҳуқуқшунос

Асосий Қонунимиз "муқаддима"сида санаб ўтилган устувор меъёлар Ўзбекистон халқи, ҳар бир фуқаросининг мақсадлари қай даражада улуғвор ва эзгу эканлигини умумбашариятга маълум қилади.

Демократик ва ижтимоий адолат ғояларига мос, ҳамоҳанг бўлган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳуқуқимизнинг маънавий асосидир. Ҳар бир онгли фуқаро бу қонунни ўз қалби ва руҳиятида қайта ўзлаштиради, унинг қоидаларига эътиқодли бўлиб яшашни ўзининг маънавий бурчи деб билади.

Бугун барчамизга бир нарсас аён бўлмоқдаки, мустақиллигимиз тўғрисида Конституцияимизда кафолатланган ҳуқуқларимиз ўзининг амалий ифодасини топиб, янгича мафкура ҳаётимизнинг барча соҳалари-га чуқурроқ сингмоқда. Ёшларимизда Ватанга муҳаббат ва миллий ғурур шаклланимоқда. Бу жуда катта гап.

Конституциянинг 13-моддасида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шайъи, кадр-қиммати ва бошқа ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши алоҳида мустаҳкамлаб қўйилган.

Яна шунга таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда суд-ҳуқуқ масалаларининг тақомиллашиб боришида ҳам Конституцияимизда белгилаб берилган қоидаларнинг аҳамияти каттадир. Чунонки, Конституциянинг "Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолати" деб номланган X-боби 44-моддасида шундай дейилади: "Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг гайрикўноний хатти-ҳаракатлари устидан судга шижоат қилиш ҳуқуқи кафолатланади".

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши тарихий воқеа, адолат тантанасидир. Ҳуқуқ ва эркинликларимизни ўзида тўла намоён этган Асосий Қонунимизни пухта билишимиз ва ўрганишимиз шарт. Шунда қонунларга риоя қилиш, уларни тушуниш ва ҳурмат қилиш қурилаётган янги демократик ҳуқуқий давлатнинг асосий мезонига ва ҳар бир фуқаронинг ҳаёт тарзига айланади. Энг муҳими, фуқароларимизни амалга оширилаётган ислохотлар билан бирга дадил қадам ташлашга ва эркин фуқаролик жамиятининг ҳақиқий азоси бўлишга ундайди.

Ишончимиз қомилки, халқимизнинг юксак ижтимоий-ҳуқуқий қадрияти саналган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳуқуқий-демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этишда бундан кейин ҳам мустаҳкам кафолат ҳамда дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Бош вазифамиз

(Давоми. Бошланиши 4-бетда)

Қонунларга оғишмай риоя қилиб ишлаётган тadbиркорларнинг оғиши олчи. Бироқ гайрикўноний иш юрит-ганлар қонун олдида жавоб беришади. Ортбосимизнинг қарорига биноан қишлоқларда намунавий лойиҳалар асо-сида барча қулайликларга эга турар жой бинолари қурилмоқ-да. Қўрғонча қишлоғида ҳам ана шундай уйлар қад ростлади. Бироқ, қурувчилар биноларни кўнгилдагидай қуриб беришма-ди. Бунинг устига сарф-харажатларни бўрттириб, лойиҳада кўзда тутилгандан кўпроқ пул "ишлаб олмақчи" бўлишди. Аниқ-ланишича, пудратчи "Амир Темур" МЧЖ томонидан қарийб 8 млн. сўмлик ишлатилмаган қурилиш материаллари қўшиб ёзилган. Салкам 1,7 млн. сўмлик сифатсиз ишлар бажарилган. "Марғилон ҳахон қурилиш" хусусий корхонаси томонидан эса 5,3 млн. сўмликдан кўпроқ сарфланмаган қурилиш материал-лари далолатномаларга тиркалган.

Ушбу қурилиш ташкилотларининг раҳбарлари билан бирга далолатномаларни кўз юмиб қабул қилиб, тасдиқлаган буюрт-мачи — "Қишлоқ қурилиш инвест" инжиниринг компанияси Фарғона вилоят филиали мансабдорларига нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Туман прокуратураси томонидан ижтимоий ҳимояга оид қонунчилик, хусусан, иш ҳақи, нафақа тўловларини ўз вақтида тўлаб бериш, нақд пулнинг банктан ташқари айланишини қис-қартитиш борасидаги Президентимиз Фармон ва қарорлари, Ҳукуматимиз қарорлари ижроси мунтазам равишда ўрганил-моқда. Ушбу жараёнда "Водийгазтаъминот" УК туман фили-алининг 12 нафар ишчи-ҳодимларига иш ҳақи берилмай, қарз-дорлик салкам 9,7 млн. сўмга етгани аниқланиб, фуқаролик судига даъво аризалари киритилди. Муддати ўтган дебитор қарзларни ундириш чораларини кўрмасдан, иш ҳақи тўло-лари ортга сурилишига йўл қўйган корхона раҳбари маъму-рий жавобгарликка тортилди. Худди шунингдек, даъво ариза-си киритилди, туман "МТП" АЖнинг 25 нафар ишчи-ҳодимла-рига 27 млн. 307 минг сўмлик иш ҳақлари ундириб берилди.

Иш ҳақи, пенсия тўловидидаги узилишларнинг сабабларидан бири — туман пул-кредит сиёсати комиссияси самарали иш олиб бормоган, натижада нақд пул тушуми озайиб кетган. Қолаверса, ҳўжалик юритувчи субъектларнинг мансабдор шах-слари бевосита хизмат вазифаларини бажармасликлари оқиб-атида кредитор ва дебитор қарздорлик микдори ортиб бора-верган.

Хусусан, "Қишлоқхўжаликкимё" шўъба корхонаси туман бўлимининг мансабдор шахслари амалдаги қонун талаб-лари-га зид равишда, олдиндан юз фоиз тўловни амалга оши-рмаган 157 та фермер хўжаликларига 930 млн. сўмлик минерал ўғит етказиб беришган. Натижада салкам 8,7 млрд. сўмлик дебитор қарздорлик йиғилиб қолган. 6 млрд. 945 млн. сўмлик муддати ўтган дебитор қарздорлиқни ундириш учун зарур чо-ралар қўрилмаган. Корхонанинг жуда кўп микдордаги айлан-ма маблағлари четда қolib, молиявий аҳоли ёмонлашган. Ҳисоб рақамиди етарли маблағ бўлмагани оқибатида салкам 52 млн. сўмлик иш ҳақлари ўз вақтида тўланмасдан ишчи-ҳодимлар-нинг ҳуқуқ ва манфаатларига жиддий зиён етказилган.

Корхона мансабдор шахсларига нисбатан қўзғатилган жи-ноят иши терговни мобайнида давлат мулкани талон-торож қилиш ҳолатлари ҳам аниқланди. Уларга Жиноят кодексининг тегишли моддалари бўйича айб эълон қилинди.

Ушбу соҳадаги таҳлилларда айрим мансабдор шахслар то-монидан ишлаётган ёхуд ишдан бўшаб кетган ҳодимларга ҳисобланган иш ҳақларини ўзлаштириш, талон-торож қилиш-дан иборат жиноий қилмишлар ҳам фoш этилди. Хусусан, 3.Аб-дурахмонов 3-сонли болалар спорт мактабиди катта услубчи лавозимда ишлашдан ташқари норасмий раҳбарлик қилиб келган. Мактаб врач Ш.Каримов 2010 йил сентябрь-октябрь ойларида, 2011 йил январь ва март ойларида ишда бўлмаган. 3.Абдурахмонов ишга қатнов табелига сохта ёзувлар киритиб, врачга сентябрь ва октябрь ойлари учун ҳисобланган салкам 540 минг сўм иш ҳақини мактаб қоровули бўлиб ишлаётган ўқаси И.Абдурахмоновнинг пластик карточкасига туширтириш-га эришган. Январь-февраль ойларига ҳисобланган 403 минг сўм "иш ҳақи"ни эса ўзининг пластик карточкасига тушири-зиб, жами 943 минг сўм бюджет маблағларини талон-торож қил-ган. Бундан ташқари, 2011 йил 1 март кунидан врач лаво-зимига ишга қабул қилинган М.Жўраевага ҳали иш бошлама-ган, ишламаган февраль ойи учун ҳам табел тўлдириб, унга ҳисобланган 555 минг сўм иш ҳақини ўзининг пластик карточ-касига туширгизиб, сарфлаб юборган.

14-сонли мактабгача таълим муассасасининг мансабдор шахслари ҳам юқоридагидай йўсунда ишга қабул қилинган ҳодимнинг аслида ишламаган муддатлари учун ҳам иш ҳақи ҳисоблаб, ушбу пуллари ўзларига тегишли пластик картон-каларга ўтказиб ўзлаштиришган. Ҳар иккала ҳолат бўйича жи-ноят ишлари қўзғатилди.

Иш ҳақи, пенсия ва нафақа тўловларини тўқис таъминлаш учун нақд пулларнинг банктан ташқари айланишини қисқар-тиришга оид қонунчилик ижроси доимий назоратга олиниб, фуқароларнинг ҳуқуқлари бузилишининг олдини олиш учун зарур чоралар қўрилмоқда.

Юрт тинчилиги, Ватан тараққиёти ва эл фаровонлиги йўлида

/Давоми.
Бошланиши 3-бетда/

Мамлакатимизнинг мустақилликка эришиши ва ривожланишидаги дастлабки босқич мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётида улкан из қолдирган том маънода тарихий аҳамиятга эга бўлган ўтиш даври ва миллий давлатчилик асосларини шакллантириш билан боғлиқ биринчи галдаги ислохот ва ўзгаришларни ўз ичига олган 1991-2000 йиллар бўлса, фаол демократик янгилинишлар ва мамлакатни модернизация қилиш, иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш, сиёсий ҳокимиятнинг, қонунчилик, суд-ҳуқуқ тизими ва ижтимоий-гуманитар соҳаларни изчил ислох қилишни таъминлашда гоят муҳим роль ўйнаган иккинчи босқич 2001-2010 йиллардан иборат бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов томонидан эълон қилинган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" эса, ўз навбатида мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш, демократик ривожланишнинг навбатдаги янги босқичини бошлаб берди.

Президентимиз ўз маърузаларида мустақил тараққиётимизнинг ўтган даври, айниқса, охириги ўн йилликда амалга оширилган ишларимизни чуқур таҳлил қилиб, шу билан бирга, мамлакатни ислох этиш ва модернизация қилиш борасидаги навбатдаги вазифаларни белгилаб бердилар. Энг асосийси, бу мақсадларга қайси йўллар билан эришиш, унинг ҳуқуқий асосларини яратиш мақсадида қандай қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш лозимлиги ҳақида аниқ тақлифларни илгари сурди.

Концепцияда давлат аҳамиятига молик муҳим вазифаларни ҳал этиш ҳамда мамлакатимизнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишида муҳим ўрин тутадиган ташаббусларни илгари суриб, давлат ҳокимияти ва бошқаруви демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислох этиш, оммавий ахборот соҳасини ривожлантириш, ахборот ва сўз эркинлигини, Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш, Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш ва демократик бозор ислохотларини ва иқтисодиётни либераллаштириш йўлида чуқурлаштириш бўйича аниқ йўналишларни белгилаб берди.

Юртбошимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаларида энг мураккаб ва масъулиятли вазифа — бу Концепциянинг ўзини ишлаб чиқишдан иборат эътиборини таъкидлаб, бу борада мамлакатимизни модернизация қилиш ва демократлаштириш бўйича бошланган ислохотларни янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш, биз ўз олимизга қўйган юксак тараққи-

ёт марраларига эришиш бўйича белгилаб берилган, аниқ мақсадга қаратилган йўл-йўриқ ва кўрсатмаларни амалга оширишнинг комплекс дастурини, бошқача айтганда, шу йўналишдаги стратегияни ишлаб чиқиш ҳамда босқичма-босқич жорий этишдан иборат эканлигини қайд этдилар.

Мазкур йўналишдаги фаолиятларни мақсадли амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг қонунчилик, ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни белгилаш бўйича 2011 йилга ва келгуси йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастури қабул қилинди.

Мазкур Дастурда Концепцияда белгиланган давлат ҳокимияти асослари, мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётини қайта қуриш соҳасидаги кенг қўламли ва тўб ислохотлар илгари сурилган ҳамда ҳар томонлама асослаб берилган, уларни амалга ошириш жамият, давлат қурилиши, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш борасидаги асосий мақсадларимизга эришишга ва олдимизда турган вазифаларни ҳал этишга — Ўзбекистоннинг жаҳондаги ривожланган демократик давлатлар қаторига киришига, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашига, мамлакатимиз, одамларнинг турмуш фаровонлиги ривожланишининг юқори даражасини таъминлашга ҳамда инсоннинг қонуний манфаатлари ва ҳуқуқларидан иборат бўлган кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришга қўлақлаштириш лозим бўлган устувор вазифалар ўз аксини топди. Дастур Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги барча сиёсий партиялар фракциялари ва Экоҳаракат депутатлар гуруҳининг фикрларини ҳисобга олган ҳолда кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган демократик ўзгаришлар, эркин ислохотларни амалга ошириш мақсадида ишлаб чиқилган бўлиб, мамлакатимизда фуқаролик жамиятининг муайян ижтимоий қатламлари манфаатларини ифодаловчи қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш дастурининг асосий мақсади ҳисобланади. Жумладан, бугунги кунда дастурга асосан давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш бўйича бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисининг сиёсий-ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий онг даражасининг ўсиб бориши, жамиятни демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнларининг жадал ривожланишини, юртимизда кўппартиявийлик тизимининг тобора мустаҳкамланиши давлат ҳокимиятининг учта субъекти, яъни давлат бошчилиги бўлган Президент, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларнинг янада

мутаносиб тақсимланишини таъминлаш мақсадида "Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилди ва бир овоздан қабул қилинди. Бунда Конституциянинг 78, 80, 93, 96 ҳамда 98-моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, уларда қуйидаги йўналишлар назарда тутилди: парламентнинг ваколатларини ва ижро этувчи ҳокимият органлари фаолияти устидан назорат қилиш вазифаларини кенгайтириш, Ҳукумат фаолияти устидан парламент назоратини амалга оширишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш, давлат ҳокимияти органларининг ўзаро келишган ҳолда фаолият кўрсатиши ва ўзаро ҳамкорликда ҳаракат қилишнинг таъминлаш механизмларини янада такомиллаштириш.

Суд-ҳуқуқ тизимини ислох этиш борасида ҳуқуқий нормаларни ишлаб чиқиш сифатини янада яхшилаш ва қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари амалда рўйбга чиқарилишини таъминлайдиган таъсирчан процессуал механизмларни яратиш юзасидан самарали чора-тадбирларни назарда тутувчи "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг янги қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш айтиш мумкин ҳисобланади. Хусусан, мазкур Қонун нормалари қуйидагиларни ўз ичига олади:

— қонун ижодкорлиги жараёнида қонунчиликни таъминлашнинг самарали механизми;

— идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказишнинг такомиллаштирилган тартибини;

— қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини ташкил этиш ва уларни амалга оширишнинг самардорлиги устидан назорат қилиш тартибини;

— норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар турларининг рўйхатини белгилашдаги камчиликларни бартараф этиш, қонун ҳужжатларини қабул қилишнинг белгиланган тартибини бузганлик учун, яъни қонунга хилоф нормаларни ишлаб чиқарилган учун жавобгарлик белгилашнинг;

— қонунчилик базасини ривожлантиришнинг комплекслиги ва тизимлилигини таъминловчи механизмларнинг ҳуқуқий асосларини яратишдан иборатдир.

Шунингдек, Концепцияда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятчиликка қарши курашга, фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган фаолиятида қонунчилик, қонун устуворлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар кўзда тутилган. Бу ўринда "Тезкор қидирув фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республи-

каси Қонунини қабул қилиш тўғрисидаги тақлиф жуда муҳим аҳамият касб этади. Буларнинг барчаси, шак-шубҳасиз, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтиришга, жиноятларга қарши кураш, уларнинг олдини олиш борасидаги ишлар самардорлигини оширишга кўмаклашади.

Ахборот соҳасини ислох қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш соҳасида оммавий ахборот воситаларини янада демократлаштиришга, сўз эркинлигини, ўтказиладиган ислохотларнинг шаффофлигини таъминлашга қаратилган янги қонунлар қабул қилиш ва амал қилиб турган бир қатор қонун ҳужжатлари нормаларини янада такомиллаштириш юзасидан тақлифлар киритилди. Фуқароларнинг ижро этувчи ҳокимият органлари фаолияти билан боғлиқ ахборотлардан кенг хабардор бўлишни таъминловчи самарали ҳуқуқий механизмлар яратилишига қаратилган "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги, "Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида"ги, "Телерадио-шиттиришлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларининг қабул қилиниши ва бошқа бир қатор қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши соҳани ислох қилиш ва ривожлантиришда катта аҳамиятга эга бўлади.

Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш борасида олдимизда турган давлат тизилиши соҳасида демократик ўзгаришларни амалга ошириш вазифаси партиялар ўртасидаги кураш ва рақобатни, энг аввало, мамлакат парламентига сайловлар, ҳокимият вакиллик органларини шакллантириш вақтидаги кураш ва рақобатни кучайтиришни тақозо қилади. Буларнинг ҳаммаси, шунингдек, аввалги сайловларни ўтказиш вақтида тўпланган тажриба сайлов тизимини янада демократлаштириш юзасидан тизимли чора-тадбирлар амалга оширилишини талаб этади.

Концепциядаги яна бир муҳим жиҳат сайловолди ташвиқот ўтказишнинг ҳуқуқий механизминини янада демократлаштириш ва такомиллаштиришга қаратилган қонунчилик ташаббусларини алоҳида аҳамият касб этади. Шу жумладан, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида"ги Қонуннинг 27, 41-моддаларига ҳамда "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 25, 38-моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳамда Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонун-

чилик палатасига депутатлар сайловининг очиқлиги ва ошқоралигини таъминлаш мақсадида "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида"ги Қонуннинг 6-моддасига Ўзбекистон экологик ҳаракатининг Қонунчилик палатаси депутатларини сайлаш бўйича конференцияларида кузатувчиларнинг иштирок этиш ҳуқуқини белгилаб берадиган қўшимча киритиш белгилаб берилди. Дарҳақиқат, Экоҳаракатга депутатлик ўринлари қотилиши давлат парламентаризми тарихига киритилган янгилик бўлди. Бундан буён конференцияда кузатувчиларнинг иштирок этиши бу масалани ошқоралик, демократик асосларга таянган ҳолда олиб бориш кўзда тутилганлигидан далolat беради.

Давлатимиз раҳбари қонун ижодкорлари олдидаги муҳим масалалар ҳақида тўхталар экан, соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилишда муҳим давлат дастурларини амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари иштирокининг ҳуқуқий асосини яратиш ва атроф муҳитни ҳимоя қилиш таъминлаш борасида нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда жамоатчиликнинг роли ва ўрнини белгилашга қаратилган "Экологик назорат тўғрисида"ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш долзарб эканлигини қайд этади. Бу эса атроф-муҳит муҳофазаси нафақат давлат ёки жамиятнинг, балки ҳар бир шахсининг вазифаси эканлигини асослаб беради. Бугунги кунда Экоҳаракат депутатлари гуруҳи томонидан қонун ташаббускорлиги асосида "Экологик назорат тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди ва жойларда "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда омма ўртасидаги ушбу қонун лойиҳасининг муҳокамасини ўтказдилар ҳамда Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилиб, биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан маъқулланди.

Бир сўз билан айтганда, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳоли саломатлигини ҳимоялаш, экологик хавфсизликни таъминлаш муаммоларини ҳал этиш жараёнига жамиятнинг турли қатламларини кенг жалб этиш орқали экологик назорат тизимини босқичма-босқич жорий этиш бўйича самарали ҳуқуқий механизмни шакллантириш ва такомиллаштириш муҳим вазифа ҳисобланади.

Шуни ишонч билан айтиш мумкинки, Президентимиз томонидан эълон қилинган Концепция Ўзбекистон миллий давлатчилигини ривожлантиришда янги тараққиёт босқичини бошлаб беради ва Ўзбекистоннинг жаҳондаги ривожланган демократик давлатлар қаторига киришига, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашига асос бўлади.

Трансформатор кушандалари

Қадим замонада ўғирлик билан қўлга тушган бир одамни қозининг ҳузурига олиб боришибди. Қози ҳали сўроқни бошлаганда туриб, ўғри оҳ уриб нола қила бошлади: "Мени жазоламанг тақсир, мен тўғри одамман, фақат қўлим эгри". Қозининг буйруғи билан жаллод унинг қўлини қайириб, "тўғрилаш"га киришибди. Шунда оғриқ жонидан ўтган ўғри яна нола қила бошлади: "Қўлим эмас, нафсим эгри". Қози ўғрининг нафсини тўғрилаш учун энди уни зиндонга ташлаш ва очик азобиға гирифтор қилишни буюрибди.

Ривоятда келтирилганидек, нафс инсонни не қўйларга солмайди, дейсиз. Нафс йўлида ўзганинг мол-мулкига эга бўлиш учун ҳатто қотилликка қўл уришдан тоймайдиганлар ҳам афсуски, бор.

Қуйида биз ҳикоя қилмоқчи бўлган воқеа қаҳрамонлари қотилликка қўл урмаган бўлсалар-да, катта-катта ўғирликларни содир этган. Яъни уюшган гуруҳ трансформаторларни ўғирлаш билан шуғулланиб, электр ускуналарининг узоқ мuddат ишдан тўхтаб қолишига ҳамда иш маромининг бузилишига сабаб бўлган.

Оддий бир рўзгор чойнағидан тортиб катта қувватга эга бўлган машиналарга электр токи билан ишлайдиган ҳозирги замонда бир неча дақиқага бўлса ҳам токни узиб қўйиш қанчалар қимматга тушиши ҳаммага аён. Аммо буни қарангки, тоғни урса талқон қиладиган ёшдаги йигитлар, қишлоқлар аҳолисининг таърифица, "нур ўғирлари" тунда электр симларини узиб, трансформаторларни талон-торож қилишарди. Ўн бир қишдан иборат ўғирлар гуруҳи асосан Қасби, Миришкор, Қамаш, Ғузор ва Чирокчи туманларига қарашли ҳудудларда кечаси пайдо бўлишиб, қора тун бағрини ёритиб турувчи электр чироклари симларини қирқиш ҳунарини ўзлаштиришарди. Улар оддий электр симларига нисбатан қиймати анча баланд бўлган трансформаторларни ёки уларнинг қимматбаҳо симларини ўғирлаш билан бирга, айнан мана шу "иш"га ихтисослашиб борарди.

Ушбу гуруҳга Саидназар Сафоев (исм-фамилиялар ўзгартирилган) бошчилиқ қиларди. Қасби туманида турган 28 ёшли йигитча шу кунгача бир марта судланадиган ҳам улгурган. Тайинли ишнинг бошини тутолмаган гуруҳбоши вақтинча ишсиз мақомида оила боқарди. Унинг ўнг қўл "вазир"и Абдиқамол Шавкатов билан гуруҳнинг энг фалол аъзолари ҳисобланган Наримон, Жонузоқ, Элбек ҳамда Мамаарий тунда бўладиган ўғирлик режасини тузишда Саидназар Сафоевга ёрдамлашарди.

Гуруҳ бошлиғи уларнинг фикрларини тинглаб, ўзинча хулоса чиқариб, дастлабки "иш"ни (улар ўғирликни шундай дейишарди) февраль ойининг ўрталарида амалга оширишни режалаштирдилар. Ярим тунда гуруҳнинг белгиланган қисми Саидназар Сафоев бошчилигида йўлга тушди. Жонузоқ бошқариб бораётган машина Миришкор тумани ҳудудидаги "Қамалак" фермер хўжалиғи яқинида тўхтади.

Гуруҳ аъзолари электр токи билан қай тарзда ишлашни яхши билсалар-да, бу биринчи "иш" бўлгани учунми, Патроннинг ўзи

(гуруҳ аъзолари Саидназарни шундай аташарди) ташаббус кўрсатди.

— Электр соҳаси пала-партишликни ёмон кўради, — деди у қўлига резина қўлқопни кияркан, — шу боис ўта эҳтиёт бўлинглар.

Қоронғу тунда Патроннинг омбур ва ключ билан бир маромда ишлаб, болтларни аста-секин ечиб олаётгани эшитилиб турарди. У барча ишни беками-кўст бажарарди. Ўғирлар умумий қиймати 4 миллион 250 минг сўмлик трансформаторни яроқсиз аҳволга келтириб, ўзлари учун қимматга эга қисмларини Жонузоқнинг машинасига юкладилар-да, воқеа жойидан узоқлашдилар. Қишлоқда электр чироклари ўчиб, ҳамма ёқни зулмат қоплади. Шундан кейин орадан бир йилдан кўпроқ вақт ўтди. Саидназар ва унинг гуруҳи нима сабабандир ҳаракатдан тўхтаган, гўё қилган ишларининг акс-садосини кутиб туришарди.

2009 йил 10 майдан 11 майга ўтар кечаси Патрон гуруҳни яна ҳаракатга келтирди. Албатта, бундан олдин "объект" ҳар тарафлама кузатишдан, бир неча марта одам юборилиб, Қамаш тумани ҳудудидаги Қамай қовун бозорининг бекати рўпарасида жойлашган қиймати 6 миллион 960 минг сўмлик трансформатор ва унинг атрофидаги вазият ипидан игна-сигача ўрганилган эди. Шу сабабли иш осон битди. Улар бу сафар ҳам трансформатор бачоғини олиб кетишди.

Навбатдаги ўғирликни Ғузор туманидаги Ёргунчи қишлоғида амалга ошириш режалаштирилди. Разведкага юборилган кишилар тақлиб маълумот билан қайтишди. "Учқун" фермер хўжалиғи даласига ўрнатилган қиймати 10 миллион 385 минг сўмлик трансформатор фуқаро Урол Махсудовга бириктирилган эди. Шу ва бошқа маълумотларни, шунингдек, илова қилинган харитани синчиқлаб кўздан кечирган Патрон ўғирлик мuddатини ва бу сафарги "иш"ни қимлар бажаришини белгиларди. Гуруҳга энди Жонузоқнинг ўзини бошчи қилиб тайинлаб, уларга омад тиларди.

2009 йилнинг 3 июн тунда Жонузоқ Ширинбоев бошчилигида сафарга отланган Қўлмурод Ахатов, Ортикали Вахитов ҳамда Азамат Меилеевдан иборат махсус гуруҳ топшириқни аъло даражада бажариб қайтиди.

Кейинги сафарги ўғирлик Наврўз Шодиев бошчилигида ҳаракатланган Самад Исमतов, Озод Мўминов, Шамби Ғузоров ва Барот Болтаев иштирокида Қасби тумани Ш.Рашидов фермерлар уюшмаси ҳудудида жойлашган "Султон Мирхайдар ота" зиёрат-гоҳида амалга оширилди. Улар бу ерларни "зиёрат" қилиб, виллоят "Насос станциялари энергетика ва алоқа бошқармаси"га қарашли трансформаторнинг керакли қисмларини ўғирлаб, уни ишдан чиқаришди.

Трансформатор ўғирлашда тобора тажрибаси ошиб, ихтисослашиб бораётган ўғирлар 2009 йилнинг май ойидан шу йилнинг 5 декабрига қадар 12 марта ўғирлик содир этдилар. Жумладан, Қасби туманининг "Комилон" қишлоғидан виллоят "Насос станциялари энергетика ва алоқа бошқармаси"га қарашли 63 10/04 КВТ трансфор-

Мардон МАМАТОВ,
Қасби туман прокурори ёрдамчиси
Норбўта ҒОЗИЕВ,
«Huquq»

матор бачоғи ҳам олиб кетилди. Шу тумanning Денов ва Қийқчи қишлоғи, Чирокчи туманининг Қийқ қишлоғи ҳамда А.Ясавий номли фермерлар уюшмаси Соҳибкор ММТ, Ғузор туманидаги Фармистон қишлоғининг айрим ҳудудлари ҳам маълум мuddат электрсиз қолди. Сабаби бу ҳудудларга ҳам Саидназар Сафоевнинг ихтисослашган гуруҳи қабих ниятда келиб, трансформаторларнинг эҳтиёт қисмларини талон-торож қилиб кетган эди.

Энг катта ўғирликлардан бири Қасби туманининг Хитой қишлоғида рўй берди. Трансформатор кушандалари туман электр тармоқлари ҳисобида бўлган, қиймати 10 миллион сўмлик трансформатор қисмларини ўғирлаб кетишди. Кушандалар трансформаторларга нисбатан бўлган талон-торожликни давом эттириб, 2010 йил январь ойининг илк кунларида, одатдагидек, тун яримлаганда Қасби тумани "Коммундренаж" ҳисобида бўлган қиймати 4 миллион 560 минг сўмлик ҳамда шу тумanning Шакархўй қишлоғидаги қиймати 10 миллион сўмлик трансформаторларни яроқсиз ҳолга келтириб, катта ўлжа билан қайтишди.

Ўғирланган трансформаторларга харидор топиш ва уларни сотиш билан асосан Наврўз Шодиев ҳамда Ортикали Вахитов шуғулланишарди. Улар Қасби туманининг Ғубдин қишлоғида яшовчи Салом Имомовни ҳам ўз гуруҳларига тортиб, унинг мутахассислигидан фойдаланганга ҳаракат қилишди. Салом ишлатилган турли электр ускуналарини сотиб олар, таъмирлаб қайта сотарди. Уюшган гуруҳ аъзоларидан икkitаси унинг уйига келиб, бири ўзини Жаҳон, иккинчиси эса Аскар деб таништирди ва унга бир донна трансформаторни 800 минг сўмга сотишди. Салом эса керакли таъмир ишларини бажаргандан кейин Китоб туманида яшовчи бир танишига 850 минг сўмга пуларди.

Иккинчи марта яна ўша Жаҳон кўнғироқ қилиб, ҳамсояларидан бири трансформатор сотмоқчи эканлигини айтди. Салом уни 700 минг сўмга сотиб олди. Учинчи марта яна кўнғироқ бўлди. Бу сафарги трансформатор гўёки Жаҳоннинг тоғасига қарашли эди. 1 миллион 200 мингга савдолашилди. Шундай қилиб, Салом Имомов ҳам уюшган гуруҳ аъзолари айланди. Бирок, худди шу жойда уюшган гуруҳ аъзолари фаолиятига нуқта қўйилди. Охириги марта трансформатор сотиб олган кунининг эртасида Салом Имомов ва гуруҳнинг бошқа аъзолари қўлга тушдилар.

Судда Саидназар Сафоев ва у бошчилиқ қилган уюшган гуруҳнинг барча аъзолари айбларига иқдор бўлди.

Жиноят ишлари бўйича Қасби туман суди мазкур иш юзасидан тўплаган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, судланувчилар ва гувоҳлар ҳамда суд мажлисида сўроқ қилинган бошқа даъвогарларнинг фикрларини тинглаб, жиноятчиларнинг ҳар бирига қонун доирасида жазо тайинлади.

Ҳар бир фуқаронинг эл-юрти ҳамма оиласи олдига ўзига яраша бурч ва вазифалари бўлиб, улар қонун билан кафолатлаб қўйилгандир. Агарча фуқаро томонидан бундай мажбуриятлар бузилса, унда фақат унинг ўзи ва оиласига эмас, жамият ҳам зарар кўради.



Мўрига яширилган «дори»...

Фарход НАЗАРОВ,
Фарғона шаҳар прокурори ўринбосари
Холиқназар ЖУРАБОВЕВ,
журналист

Айни қирчиллама ёшда бўлган Абдурахим Лутфуллаев, таъбир жоиз бўлса, оиласи, эл-юрт олдигаги бурчини яхши удралай олмади. Гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилиш ва сотиш билан шуғулланиб, аввало, ўзини бадном этди. Олий маълумотли бўлатуриб, ишлашни хохламай, осон ишларга ёлланиб юришга одатланди. Ачинарлиси, гиёҳвандлик касалига дучор бўлди. Оқибатда оиласи бузилиб, уч нафар фарзанди тирик етимга айланди.

Фарғона шаҳридаги Х.Ибрагимовна номли кўчада яшовчи бу йигит томоркасига гиёҳвандлик воситаларининг парвариши билан шуғулланган. "Ўзи чиқиб қолган" 1 тип кўнжори ва 2 тип нашини қилиб ташламай, бошқа мақсадни кўзлади. Яъни текин "дори"ни ўзи истеъмол қилди. Ортиб қолса, сотиб, пул ишлайди. Қилаётган иши оғир жиноятлар тоифасига киришини билса-да, ўзини тия олмади. "Хаммасини ими-жимиде қиламан", деб ўйлади. Қари онаси ҳам кўзига кўринмади.

2010 йилнинг баҳорида ўсимликлар тайёр бўлган, уларни йиғиштириб олиб, қуритди. Кейин турли ҳажмдаги шиша идишлар, гўгүрт қутилари ва қоғоз парчаларига солиб, қадоклади. Ишончли харидор топиш илнжиде 2011 йил 10 январь кунига қадар уйда сақлади.

Жамиятдаги соғлом турмуш тарзига даҳл қилувчи иллатларга қарши курашишни фуқаролик бурчи деб билган бир шахс бу ҳақда МХХ виллоят бошқармасига хабар берди. Виллоят бошхона бошқармаси ва Фарғона шаҳар ИИБ ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирда Х.Лутфуллаев яшаётган хонадон кўздан кечирилди. "Айби борнинг тиззаси қалтирар", деганларидек, хонадон соҳиби тезкор ходимлари кўриб-қасдиқоран қолди. Қилимишга иқдор бўлса жазо чораси енгиллашишини билгани учун ўз ихтиёри билан ётоқхонасидagi тўшақлар қатига яширган бир донна гўгүрт қутисидagi, 1 литр ҳажмдаги шиша идишга солинган наشا, газ плитаси мўриси ичига қоғоз парчасига солиб яширган кўнжори моддасига ўхшаш гиёҳвандлик воситаларини топширди.

Бу ҳали ҳаммаси эмас эди. У айрилиқ қилаётганини сездириб қўйди. Хонадонни холислар иштирокида кўздан кечирилганда, уй ертўласидан 3 донна полиэтилен қопларга 8 донна 3 литр ҳажмли, 1 донна 2 литр ҳажмли ва 1 донна 1 литр ҳажмли шиша идишларга солиб жойлаштирилган наша гиёҳвандлик воситасига ўхшаш моддалар топилди, ашёвий далил тарихисида олинди.


Виллоят ИИБ ЭКБнинг 2011 йил 10 январь кунги хулосаларига кўра, бу моддалар таркибида "тетрагидроканнабиол" гиёҳванд моддалари мавжуд бўлиб, ўсимлик "марихуана" деб аталуви гиёҳванд воситалар туркумига кириши, унинг соф оғирлиги 1786 грамм эканлиги аниқланди. Шунингдек, газ плитаси мўриси ичидан олинган кўнжори моддасига ўхшаш восита виллоят ИИБ ЭКБ таҳлилидан ўтказилганда, таркибида опий гуруҳига мансуб бўлган алкалоидлар — морфин, кодеин, тебаин мавжудлиги, бу модда "кўнжор сомони" деб аталиб, соф оғирлиги 1 граммни ташкил этиши маълум бўлди.

Гиёҳвандлик моддаларини етиштириш, тайёрлаш ва сотиш билан шуғулланувчилар ҳеч қачон кечирилмади. А.Лутфуллаев ҳам қилимиш учун жавобгарликка тортилди. Унинг бу ишга қўл уришига, яъни маънавий таназзулга юз буришига ўзигагина айбдор эмас, албатта. Яқинлари, шу билан бирга, судга у ҳақда ижобий тавсифнома берган маҳалла-қўй ҳам бунда маълум маънода айбдор саналишади. Уларнинг бепарволиклари боис А.Лутфуллаев назоратсиз қолиб, натижада кўнглининг қоронғу кўчасига кириб кетган. Қолаверса, худуд нозирини унинг гиёҳвандлик касалига дучор бўлганидан, ҳовлисига беамалол гиёҳванд ўсимликлар парваришлаганидан нега беҳабар қолган? Шаҳар бандлик бўлимида бу ёш, олий маълумотли мутахассис ишсиз сифатида рўйхатга олинганини, иш тақлиф этилганими — энди бироз кеч бўлса-да, бу саволларга ҳам жавоб топиш зарур. Акс ҳолда эртага яна А.Лутфуллаев каби ғумроҳлар чиқиб қолиши мумкин.

Суднинг ҳукми билан А.Лутфуллаев маълум мuddатга озодлиқдан маҳрум этилди.

Улар одам ўғирлашди

Опасининг "Тойота" машинасини кўчага ҳайлаб чиққан Олмос соат тунги ўн бир яримларда опасининг уйига келаётганда, қарама-қарши томондан "Нексия-2" русумли автомашина келаётганини кўриб, у билан тўқнашмаслик учун шоша-пиша рулни четга бурди. Аммо айни шу пайтда ВАЗ-2103 русумли бошқа бир машина келиб урилади. "Нексия-2" ҳам "жароҳат олади". Хуллас, унинг биргина хатоси тўғрисида учала машина бир-бири билан тўқнашди.



Жамшид ТУРДИМУРОВО,
Самарқанд шаҳар прокурори
ўринбосари

Кўриб кетган Олмос машинани ҳайдаганча қочиб қолди. Уч кундан кейин отаси билан Самарқанд шаҳар ИИБ ИХБга бориб, ушбу ҳолат бўйича тушунтириш хати ёзиб берди.

Шундан сўнг "Нексия-2" автомашинаси ҳайдовчиси Акмал Кулиев ва ВАЗ-2103 русумли машина эгаси Улфат Мухтаровлар Олмоснинг отаси Ўқтам ака билан бир неча бор учрашди.

— "Нексия"ни ўзимиз тузатиб оламиз, сиз ВАЗ-2103ни тузатиб берсангиз бўлди, — дейишди улар Ўқтам акага.

— Агар ўғлимнинг айби билан машинанигиз пачоқ бўлган бўлса, ўзим тузатиб бераман. Аввал экспертиза хулосаси чиқсин, — деди Ўқтам ака.

Экспертиза хулосаси ҳали тайёр бўлмаганлиги сабабли улар жарима майдончасига боришди. Улфат машинасининг қандай ҳолатда эканини кўрсатиб:

— Устанинг уйига борамиз, у

қанчага тузатишини айтади, — деган эди, Олмос кўрслик қилди: — Ҳеч қаерга бормаймиз, устанинг ўзи бу ерга келсин.

Бу гапдан кейин Акмал Олмосга шу ерда турган жигарранг "Нексия"ни кўрсатиб: — Машинага ўтиринг, гаплашиб оламиз, — деди.

Олмос машинанинг орқа ўриндигига ўтирди. Акмал уни гап билан чалғитиб турганида Улфат ўнг, яна бир нотаниш йигит эса чап томондан машинага ўтиришди. Акмал шу заҳоти машинани ўт олдириб, катта тезликда ҳайдаб кетди.

— Нима гап, тинчликми? — Олмос уларнинг кутилмаган хатти-ҳаракатларидан ҳайрон бўлганини аширмади.

— Энди сенга кўрсатиб қўяман, — Улфат шундай дея унинг биқинига мушт туширди.

Бундай муомалани кутмаган Олмос машинадан түшиб қолмоқчи бўлди, бироқ иложини тополмади. Машина Арабхона маҳалласида жойлашган сув

ҳавзаси ёнидаги чайлага келиб тўхтаган, йигитлар Олмосни чайланинг орқа томонига олиб ўтти.

— Машинани тузатиб берасанми-йўқми? — Улфат шундай деганча уни дўппослай бошлади.

— Тузатиб бераман, фақат мени урманг, — ялина бошлади Олмос.

— Энди кеч бўлди, аллақачон таъмирлаб беришинг керак эди.

Акмал ўртага тушган бўлди: — Уни қўйиб юбор, тузатаман деярли-ку.

— Сизлар бораверинглар, пулни қўлимга олмасдан уни қўйиб юбормайман.

Йигитлар қайтиб кетишган, Улфат Олмосга юзданди:

— Ҳозир дадангга телефон қилиб, зудлик билан 2 минг АҚШ доллари олиб келишини айтасан, бўлмаса сени ўлдираман.

Олмос шу заҳоти дадасига кўнғирок қилиб, топшириқни бажарди. Шундан сўнг Улфат

йигитнинг оёғини пойфазал ипи билан боғлаб, бошига спорт костюминини кийдирди. Бироздан сўнг бир машина келиб уларни олиб кетди. Бир уйга боришгач, Олмоснинг бошидан костюмни олишди. Кўп ўтмай унинг бошига яна костюмни ёпиб, Самарқанд шаҳридаги "Азиз" бозори орқасида жойлашган ҳовлига олиб боришди. Ҳовлининг ҳамма томони берк бўлганлиги учун унинг қўл-оёқларини ечиб юборишди.

Ҳовлида Улфатнинг онаси Анавар опа бўлиб, пулни Олмоснинг дадасидан шу аёл олиши керак эди. Улфат Ўқтам ака билан бир неча бор телефонда гаплашгач, аёлга тушунтирди: — Кўчадаги гўшт дўкони олдида бир одам сўзига 2 минг доллар олиб келиб беради. Эҳтиёт бўлинг, агар унинг ор-

тида бошқа одамлар бўлса, пулни олмасдан изингизга қайтинг, — дея тайинлади.

Аёл кўчага чиқиб кетди-да, кўп ўтмай нимадандир шубҳаланиб, пулни олмай қайтиб келди. Бундан хабар толган Улфат яна йигитнинг бошини ёпиб, чайла олдида олиб келди.

— Энди даданг менга 4 минг доллар беради. Бўлмаса, ўласан, — деб роса дўппослади. Кейин Ўқтам акага кўнғирок қилди:

— Сизга ўғил керакми? Пулни қачон олиб келасиз?

— Мана 4 миллион 400 минг сўм қўлимда. Сиз қаерга десангиз шу ерга олиб бориб бераман.

— Бўпти, бироздан сўнг қаерга олиб боришингизни айтаман.

Албатта, Улфатнинг бир ўзи бу ишни бажара олмасди. Шунинг учун ёрдамга таниши Жамшидни чақирди. Жамшид автомашинасида айтилган жойга келиб, уларни олиб кетди. Йўл-йўлакай Улфатнинг онасини ҳам олишди. Самарқанд вилоят божхона бошқармаси олдида келишгач, Улфат телефонни Олмосга берди.

— Дада, биз божхона бошқармаси олдидамыз, пулни шу ерга олиб келинг, — деди у.

Айтилган жойга етиб келган Ўқтам ака кўтига солинган пулни Анавар опага берди. Аёл уни очган вақтда ИИБ ходимлари келиб, уларни ушлашди.

Инсон шаъни, ҳуқуқ ва эркинликлари қадрланадиган жамиятда бундай зуравонлик жазосиз қолмайди. Суд ҳукми билан 5 йил 6 ой мuddатда озодликдан маҳрум этилган Улфат Мухторов одам ўғирлаб, унга тазйиқ ўтказиш билан ҳеч нарсага эришиб бўлмастлигини аниқлаб етган бўлса ажаб эмас. Унга жиноий шерик сифатида ёрдам берган Жамшид Исмоилов ҳам жазодан бенасиб қолмади. Унга 1 йил 6 ой мuddатда ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди. Анавар Мухторова эса амнистия актига мувофиқ жазодан қутулиб қолди.

Баҳолашнинг баҳоси

Пора барча замонлар иллоти. Ажаб эмаски, қадимги дунё одами ҳам қабила бошлиғидан бир бўлак гўштни зиёдорок олиш учун ўзининг тош қуролини ёки теридан тикиб олган ёпинчигини пора сифатида берган бўлса. Пора ортида ҳақиқат манфаатдорлик, иллинг ва тамағирлик ётади. "Хўша узумки киши ришват деса, қуйдирибон боғни жаннат эса", яъни Навоий айтганларидай, гар бир узум (ришват-пора) деб берилса, порахўр бунинг эвазига жаннатдай боғни ўт қўйиб, қуйдириб юборади. Пора ана шундай иллат.

Шунинг учун ҳам мансаб мавқеидан фойдаланиб, тамағирлик қилган ва пора билан қўлга тушган кишилар қонун йўли билан қилишларига яраша жазо оладилар. Зеро, ўз вақтида пайи қирқилмаган порахўр борган сари нафиси ўпканга айланиб, тақрибаси ошиб, жамиятга ҳам моддий, ҳам маънавий зарар етказад.

Вилоят "Консалтинг-баҳолаш" масъулияти чекланган жамиятининг раиси Комил Жуманов устидан бундан очик суд мажлисида иштирок этган кишилар таассуф билан бош чайкашарди. Жамиянинг юзида "Нахотки, яхшигина лавозимда ўтирган киши бору-йўри 400 минг сўм учун виждонини сотса?!", деган савол. Аммо шуниси аниқки, "Бу одам оз микдорда пора олган экан", деб ҳеч ким жазодан озод қилиб юборилмади.

Комил Жуманов ҳам бундан мустасно эмас. Чунки унинг қилган иши қонунга ҳилоф эди. 2011 йил 31 январь куни соат 12:00 да ўзининг хизмат хонасида мансаб ваколатини суиистеъмол қилиб, фуқаро О.Мухаммадиевдан пора олди.

Азамат МИРЗАЕВ,
Қашқадарё вилоят
прокуратураси бўлим бошлиғи

Жабранувчи Мухаммадиев судда дастлабки тергов жараёнида берган кўрсатувини такрорлаб, қўрладан, шундай дейди:

"Банкдан кредит олишим керак эди, ана шу мақсадда "Ваз-2107" русумли автомашинани гаровга қўймоқчи бўлдим. Банкдан оладиган кредитим микдори машинанинг баҳосига боғлиқ бўлгани сабабли "Консалтинг-баҳолаш" масъулияти чекланган жамиятга мурожаат қилдим. Шунда МЧЖ раиси К.Жуманов автомашинанинг сўвратига қараб, 8 миллионга баҳолаб беришини билдирди. Бу нарх мени қониқтирмади. "Юқорида баҳолашнинг иложи йўқми?", деб сўрадим. Кредит микдори гаровга қўйилмаган машина баҳосига боғлиқ эканлигини айтдим.

— Бўлади, лекин харажати бор, — деди МЧЖ раиси.

— Ўзим иш юритиш учун кредит оляман, ортиқча маблағим йўқ, — дедим.

— Ундай бўлса борадиган жойингга бор, мен баҳолаб беролмайман, — деди раис.

К.Жуманов аччиқ қилиб машинани баҳолаб бермаслигини айтгани учун унга илтимос қилдим.

— Аха, харажати бўлса қиламиз, — дедим.

— Унда машинани тозаллаб ювдириб кел, қўраман, — деди раис юмшаб.

Машинани ювдириб расмга тушира-

ётганимизда К.Жуманов олдимга келди.

— Сен ҳалиги айтилган харажатини қилиб кел, кейин гаплашамиз, — деди.

Шундан сўнг эртаси куни, яъни 25 январь соат 10:00ларда О.Мухаммадиев автомашинани баҳолашнинг баҳоси қанча бўлишини билиш учун яна К.Жумановнинг ҳузурига келди. Раис унга синновчан нигоҳ билан қаради ва гапнинг очигини айтди:

— Агар 500 минг берсанг, машинангни 12 миллионга баҳолаб бераман.

— Бунча пулим йўқ,

— Бироз тушсангиз...

— Унда бошқа жойга бориб баҳолат. Бу гапдан кейин Мухаммадиев, "Уйдагилар билан маслаҳатлашиб қўрай", деб чиқиб кетди ва нажот истаб, Миллий хавфсизлик хизмати вилоят бошқармасига мурожаат этди.

Албатта, қонун ҳимоячилари фуқароларнинг мурожаатларини ҳеч қачон эътиборсиз қолдирмайдилар. Хусусан, жамиятга ҳам моддий, ҳам маънавий зиён етказадиган порахўрлик иллатини таг-томири билан сугуриб ташлаш зарур.

Халқимиз одиллик, инсоф, диёнат каби қадриятларнинг қадрини баланд

тутади. Биз кундалик ҳаётимизда "инсофини бўри еган" қимсаларга ҳам, адолат ва диёнатни ўзига шиор қилиб, шу бугун ҳеч бўлмаганда битта бўлса-да, савоб иш қилиш ниятида уйдан чиқадиган одамларга ҳам дуч келамиз.

Банкдан кредит олиш ниятида юрган О.Мухаммадиев эса ўша куни юқориди айтилган биринчи тоифадаги кишига рўбарў бўлган эди. Ва у киши, яъни "Консалтинг-баҳолаш" МЧЖ раиси Комил Жуманов тузоғига ўлка тушганини пайқаб, ундан пора талаб қилди. Бу ҳолат унинг хизмат хонасида юз берди. Аммо ўлка ўрнига ўзи қўлга тушди.

МЧЖ раиси баҳолашнинг баҳоси учун энди 400 минг сўм талаб қилди ва пора учун олинмаган шу сумма эвазига О.Мухаммадиевнинг "Ваз-2107" русумидаги машинасини 12 миллионга баҳолаб берадиган бўлди.

Аммо ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларининг ўз вақтида қилган тезкор ҳаракатлари тўғрисида Комил Жумановнинг қўзлаган мақсади амалга ошмади.

Мазкур жиноят юзасидан шу йил 31 март куни Жиноят ишлари бўйича вилоят судининг биносидан очик суд мажлиси бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 210-моддаси 3-қисмининг "б" банди билан Комил Жумановни айблов ҳақидаги жиноят иши қўрилди ва қонун доирасида жазо тайинланди.

"Баҳолашнинг баҳоси" билан боғлиқ воқеа ана шундай яқун топти. Айтмоқчимизки, юқориди баён қилинганидек, нафсининг қутқусига учиб, нуқулдай ахлолга тушиб қолмаган. Ҳар кун эр-талаб ишга йўл оларкансиз, виждон амрига қўлоқ тутинг, ўз вазиғангизни тоза рўй, яхши кайфият билан бажаринг. Имкон топангиз, савоб ишга қўл уринг. Ана шунда мақомингиз баланд бўлади, халқ орасида обрў-эътибор топасиз.

Аёл эрнинг омади...ми?

Салкам ҳикмат: Шогирди ноқобил устози ноқомилдан сўради.

— Устоз, айтишларича, аёл эркак кишига омад келтирур эмиш. Шул гап тўғрими?

Устоз ўйланган бўлиб, оппоқ соқолини силайди. Шошилмай, чқур мулоҳазали одамдай вазминлик билан жавоб беради.

— Эй нодон шогирд, ақлинг шул қадар ноқиски, оддий саволнинг ҳам жавобини тополмагайдурсан. Аёлнинг эркакка омад келтирмоғи ҳаққаст рост. Шогирди ноқобил яна сўради.

— Бунинг сабаби недур, устоз?

Устози ноқомил айёрога тиржилаб, жавоб қилди.

— Аёлнинг эркакка омад келтирмоғининг сабаби шулдики, аёллар ҳеч қачон омадсиз эркакларнинг этагидан тутмаган, бўтам.

Албатта, бу ҳазиломуд хангома. Аслида-чи?.. Менда бу саволга бир жавоб бор...

Ҳар бир соҳанинг ўз усталари бўлади. Айниқса, бугун спорт туридан санъат даражасига кўтарилиб улгурган футболнинг санъаткор чарм тўп усталари барчанинг диққат марказида. Ҳозирги замонавий футболнинг ёрқин юлдузлари Месси ва Роналду машҳурлик бобида бемалол Голливуд актёрлари билан беллаша олади. Уларнинг юриш-туриши, имиджи, майдондаги хатти-ҳаракати,

голни қандай нишонлаши ва бошқа жиҳатларига нафақат ёш футболчилар, балки футболга алоқаси бўлмаган ёшлар ҳам тақлид қилишади. Футболда урфга айланиб бораётган голни ўзгача бир услубда нишонлаш ҳар бир футболчининг қиёфасига айланмоқда. Узоққа бормайлик. Ўзимизнинг Сервер Жепаров рақиб дарвозасини ишғол қилганидан сўнг голни ажойиб салто билан нишонлайди. Ҳикоямиз қаҳрамони Раул Гонзалес Бланко эса гол урганидан сўнг қўлидаги узугини ўпиб қўяди. Бунинг ўзига яраша тарихи бор экан. Албатта, аёл билан боғлиқ.

Бир неча йиллар "Реал Мадрид" таркибида тўп суриб,

Максудали ҚАМБАРОВ,
«Huquq»

қироллик клубининг юрагига айланган Раул чин маънода мадридликларнинг суюқлисига айланди.

Аммо ҳар бир инсоннинг бахтига соя ташлайдиган булутли кунлар Раулнинг ҳам осмонини четлаб ўтмади. Бир вақтлар иқтидорли ҳужумчининг жамоадаги ишлари юришмай, ўзига ўхшамай қолди. Унинг майдондаги хатти-ҳаракатларидан қоникмаётган мураббийнинг унга бўлган ишончи сўна бошлади. Натижада Раул кўпроқ вақтини заҳра ўриндиғида ўтказишга мажбур бўларди. Табиийки, бундай ҳолат Раулдай иқтидор эгасининг руҳий ҳолатига салбий таъсир кўрсатмай қолмас эди. У кўп вақтини ресторон ва барларда ўтказиб, бор аламини ичкиликдан ола бошлади. Агар у шу кетишда давом этса, ўзини хароб қилиши аниқ эди. Шундай кунларнинг бирида у модельер Мамен Санз билан учрашиб қолади. Улар тез тил топишиб, ораларида муҳаббат пайдо бўлади. Худди киноларда бўлгани каби бу муҳаббат сўнаётган юлдузга қайта нур бағишлайди. Бошқача қилиб айтганда, Раулни хароб бўлишдан сақлаб қолади. У астойдил ҳар-




кат қилиб, спорт формасини тиклаб олади ва яна рақиб дарвозаларини ишғол этиб, жамоанинг ажралмас бир бўлағига айланади. Урган голни эса ўзгача усулда нишонлаб, бармоғидаги узугини ўпиш орқали қайта юлдуз бўлиб порлашида муҳим ўрин тутган севикли рафиқасига миннатдорлик билдирган бўларкан.

Ҳозирда Раул қироллик клубини тарк этган бўлса-да, мадридлик муҳлисларнинг унга бўлган чексиз ҳурмати заррача сўнгани йўқ. У 2010 йили "Шальке-04" таркибида ажойиб мавсумни ўтказди. Аниқ эсимда йўқ, Германия клубининг Европа чемпионлар лигасидаги қайсидир ўйинига икки

жамоага ҳам муҳлислик қилмайдиган бир гуруҳ мадридлик ишқибозлар майдонга киришган. Бунинг сабабчиси Раул эди. Улар Раулнинг ўйинларини бевосита майдонда томоша қилишни соғинишган эди. Бир футболчиға нисбатан муҳаббат шунчалик бўлар. Бундай бахт ҳаммага ҳам nasib этавермайди. Унинг бугун шу даражага етишида турмуш ўртоғи Мамен Санзнинг ҳам ҳиссаси бор.

Раул ва Мамен ҳақидаги бу ҳикояни қаердадир эшитгандим. Бу қанчалик рост ёки ёлгонлигини билмайману Раулнинг оиласи билан бахтли ҳаёт кечираётгани аини ҳақиқат. Ким қандай хулоса чиқаради, бу унинг ҳаётига бўлган қарашларига боғлиқ.



Маҳаллаларда учрашув ва мулоқотлар

Муҳаммадjon МАҲМУДОВ,
меҳнат фахрийси

Шу кунларда Марғилон шаҳридаги 54 та маҳалла фуқаролар йиғинларида ақидонарслик ва миссионерликка қарши кураш, конфессиялар ҳамда миллатларaro ҳамкорлик, бағрикенгликни таъминлаш бўйича дастур ҳамда унинг бажарилишини таъминлаш юзасидан шаҳарда ижтимоий вазиятни янада барқарорлаштириш, диний ақидонарсликнинг олдини олиш мақсадида аҳоли ўртасида шаҳар ҳокимлиги, шаҳар прокуратураси, шаҳар ички ишлар бўлими, ҳуқуқ-тартибот органлари, шаҳар уламолар кенгаши "Маҳалла" ҳайрия жағғармаси бўлими ҳамкорликда учрашув ва мулоқотлар ўтказиб келинмоқда. Ушбу тadbирларга 36 нафардан иборат раҳбарлар, фан олимлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари масъул ходимлари, мутахассислар жалб этилган бўлиб, 5 та гуруҳга бўлинган.

Навоий номли маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб ўтган учрашувда шаҳар ҳокими И.Маматов, шаҳар прокурори Н.Азимов, шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғи ўринбосари Ф.Тешабоев фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, мамлакатимизда 20 йил мобайнида амалга оширилган ишлохотлар, ободончилик, бунёдкорлик ишларининг мазмун-моҳияти, мутаассиблик, диний ақидонарслик ва миссионерлик ҳаракати ҳамда унинг зарарли оқибатлари ҳақида сўз юритиб, уларга қарши кураш ҳар бир юртдошимизнинг муҳим вазифаси эканини алоҳида таъкидлади.

Ана шундай учрашув ва мулоқотлар шаҳардаги "Маориф", "Галатой", "Йўрмадўз", "Роҳат", "Гулистон", "Тоғлик", "Турон", "Пичок" маҳалла йиғинларида ҳам бўлиб ўтди. Ушбу тadbирлар шаҳарда ижтимоий маънавий муҳит ва вазиятни янада соғломлаштириш ҳамда барқарорлаштиришга хизмат қилишига ҳеч шубҳа йўқ.

Ҳаётимизга беварқ бўлмайлик!

Бугунги давр ҳар биримиздан атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатни, содир бўлаётган жараёнларни диққат билан кузатиш ва улардан хулоса чиқариш, аниқсқа, ҳушёрлик ва огоҳлиқни талаб этади.

Огоҳлик бу ўзингни ва атрофдагиларни ҳушёрликка қақариш демакдир. Шу маънода яшаш жойимиз, маҳалламиз, кўчамиз, қишлоғимиз, шунингдек, юртимиз хавфсизлигини таъминлаш ўз қўлимизда. Мамлакатимиз бўйлаб мунтазам равишда турли йўналишларга бағишлаб, ойлик тadbирлар ўтказиб келинади. Юз бериши мумкин бўлган кўнгилсизликлар ҳамда моддий-маънавий зарар етказилишининг олдини олувчи, сергак бўлишга чорловчи бундай тadbирлар аҳолининг тинч-осойишталигини таъминлашга қаратилган. Шунингдек, маҳаллаларда фаоллар ва мутасадди ташкилотлар вакиллари иштирокида учрашувлар, савол-жавоб кечаси ҳамда давра суҳбатлари, кенг қамровли ҳашар тadbирлари ўтказилиб, ёнғин хавфсизлиги бўйича белгиланган тadbирларнинг тўла-тўқис бажарилишини таъминлаш чоралари янада кучайтирилмоқда. Олиб борилаётган мазкур тadbирларга қарамай, жорий йилнинг ўтган 8 ойи мобайнида ҳудудда жами 979 та ёнғин содир бўлиб, оқибатда 26 нафар фуқаро турли даражадаги жароҳат олди, 20 нафари эса ҳаётдан кўз юмди, давлат ва фуқароларга 106 млн. 806 минг 849 сўм миқдорда моддий зарар етказилди.

Биргина мисол. Тошкент шаҳар Шайхонто-

Ф.ХУСАНОВ,

Тошкент шаҳар 12-Ҳарбийлашган ёнғин хавфсизлиги отряди смена бошлиғи

ҳур тумани Форобий кўчаси 391-ўйда жойлашган келин либослари салонига келиб чиққан ёнғин оқибатида 25 кв.м салон қисми, шу туманининг Ибн Сино-2 мавзеси 6-уй, 16-хонадонда 10 кв.м хона шифти ва ҳоҳатхонаси зарар кўрган. Чилонзор тумани Ўзбекистон кўчаси Ўзбекфильм қаршисида жойлашган қуриш вагончилигида ёнғин содир бўлган.

Ёнғин хавфсизлигиға амал қилиш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиз эканлигини эслатиб ўтишни жоиз билдик. Қўбола электр иситиш печларидан фойдаланманг. Айниқса, кўп қаватли уйларда асосан хонадон ошхоналаридаги газ плиталарни ўзбошимчилик билан ҳеч қандай рухсатсиз айвонларга қўчириб олиш ҳолатларини кузатиш мумкин. Бу эса ўз оиласи, кўни-қўшиларнинг ҳаётини хавф остига қўйиб демакдир. Афсуски, кўпинча фуқаролар ўз ҳаракатларининг нотўғрилигини билишса-да, қўл силташдан нарига ўтмайди. Бундай хонадон эгалари иқтисодий қийинчиликларни рўқач қилишди-ю қонун-қоидалар ҳамда меъёрлар талаблари бузилаётганлигини тушунишни хошлашмайди.

Дона халқимизнинг "Ёнғин тилсиз ёв", деган гапини асло ёдимиздан чиқармайлик. Заминдаги ҳаётни талабларга амал қилайлик. Ёнғин фавуқлода ҳодиса, лекин унинг олдини олиш ўз қўлимиздадир.

Huquq
yuridik gazeta

Muassis:
O'zbekiston
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi

Bosh muharrir:
Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:
Abbosxon SANGINOV Baxtiyor NAZAROV
Muxtor ZOIROV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Gulnoza RAHIMOVA
Yusupboy G'OIPOV
Svetlana ORTIQOVA
Shavkat YODGOROV (mas'ul kotib)

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-40,
233-10-53
Faks: 233-10-53,
233-64-85

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.
Sotuvda kelishilgan narxda

Tahririyatga kelgan qo'yilmalar taqiriz qilinmaydi va egalariга qaytarilmaydi.
Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.
«HUQUQ» materiallarini ko' chirib bosish faqat tahririyat nuxsati bilan amalga oshiriladi.
○ — tijorat material.
Reklama materiallarining mazmuni uchun tahririyat javobgar emas.

Nashr ko'rsatkichi
231

Buyurtma j-2700. 51 890 nuxsada bosildi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbatchi muharrir: G.HOJIBOYEVA
Musahih: M.QAMBAROV
Navbatchi: O'DEHOQOV

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi.
Korxona manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda O'188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-7617

